O'ZBEKISTON RESPUBL
MILLIY KITOB
INV.№

Ватан ҳимояси - иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2004 йил, 6 апрель, сешанба № 41 (1929). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Вторник, 6 апреля, 2004 г. № 41 (1929). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 апрель куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Болгария ташқи ишлар вазири Саломон Пассини қабул қилди.

Ўзбекистоннинг ЕХҲТ билан ҳамкорлиги ҳарбий-сиёсий, иқтисодий ва инсоний мезонларни кенг қамраб олган. АҚШда рўй берган 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейин ЕХҲТнинг фаолиятида, хусусан, минтақамиз ва мамлакатимиздаги фаолиятида хавфсизлик энг долзарб масалалардан бирига айланди. Сўнгги вақтларда мазкур халқаро ташкилот давлатлар чегараларини мустаҳкамлаш, курол-яроғнинг ноқонуний савдоси ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларини ўқитиш ва қонунчиликни takомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

2003 йили ЕХҲТнинг Тошкентдаги маркази томонидан чегара ва божхона хизматлари ходимлари учун ўқув семинарлари, енгил ва ўқотар қуроллар бўйича семинар ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Жорий йилда ҳам бир неча ўқув семинарларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Иқтисодий соҳага ҳам эътибор кучайди. ЕХҲТ иштирокида Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, ёшларда ишбилармонлик кўникмаларини ҳосил қилиш бўйича лойиҳалар, «Маҳалла ва атроф муҳит муҳофазаси» дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг ЕХҲТ иқтисодий лойиҳалари кўламини кенгайтириш борасидаги таклифлари ташкилот томонидан илиқ қабул қилинди. Шу муносабат билан Тошкентдаги марказнинг лойиҳаларга доир фаолияти учун қўшимча маблағ ажратишга қарор қилинган. Аниқроғи, 2003 йили Ўзбекистондаги лойиҳалар учун 683 минг евро берилган бўлса, жорий йил учун 1 миллион 146 минг евро ажратиш кўзда тутилмоқда.

Ташкилотга Ўзбекистоннинг Шарқий Европадаги ишончли шерикларидан бўлган Болгария раислик қилаётганини таъкидлаш ҳам ўринлидир. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада кенг асосда ривожлантиришга имкон беради. Хусусан, ЕХҲТнинг амалдаги раҳбарияти таълим тизимини ривожлантиришни устувор соҳалардан бири сифатида белгилаган. Тошкентда Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистонда таълимни ривожлантириш масалаларига бағишлаб минтақавий анжуман ўтказилгани кенг миқёсли ҳамкорлик бошлаб юборилганидан далолатдир.

Оқсаройдаги учрашувда мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ушбу ташкилот билан кўп томонлама алоқалари ҳамда Болгария билан ўзаро муносабатлари жадал ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Меҳмонни Болгария НАТОга аъзо бўлгани муносабати билан табриклади.

С. Пасси ЕХҲТ Доимий кенгашининг ўтган ҳафта Венада бўлиб ўтган йиғилишида 55 мамлакатни ўз ичига олган ушбу ташкилот Ўзбекистонда амалга оширилган террорчилик ҳаракатларини қаттиқ қоралагани, мамлакатимиз ҳукумати ва халқига ҳамдардлик изҳор этиб, террорчиликка қарши курашда ҳар томонлама ёрдам кўрсатишга тайёрлик билдирганини таъкидлади. Айни пайтда Тошкентга келиб, мамлакатимизда ҳаёт маромида давом этаётганига, одамларда саросима йўқлигига гувоҳ бўлганини қайд этди.

Учрашувда Ўзбекистон — ЕХҲТ муносабатлари ва мамлакатимизнинг Болгария билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик муаммолари, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

● НАВСТРЕЧУ КОНТРОЛЬНОЙ ПРОВЕРКЕ

НАКОПЛЕН БОГАТЫЙ ОПЫТ

К началу контрольной проверки артиллерийские подразделения, в течение месяца повышавшие свое боевое мастерство в ходе полевого выхода, вернутся в места постоянной дислокации и наряду со всеми будут держать этот ответственный экзамен. Не берусь судить на предмет того, сколь высоки будут их показатели по остальным воинским дисциплинам, но что касается специальной подготовки, умения вести прицельный огонь из всех видов артиллерийского вооружения, то здесь успех, как говорится, гарантирован. Еще бы, ведь за этот период воины-артиллеристы основательно поднакопили опыта, добились предельной слаженности расчетов, а при выполнении практических огневых задач доказали, что мастерски владеют вверенным им грозным оружием.

(Окончание на 2-й стр.).

● ҚАРОР ВА БУЙРУҚДАН РУҲЛАНИБ

ОНА ДИЛИДАГИ ГАПЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги Қарори ва бу тўғридаги Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг буйруғи матбуотда эълон қилиниши билан республикамизнинг турли вилоятларидан фуқароларимиз Қарор ва Буйруқдаги имтиёз ва имкониятлардан хурсандчилигини яширолмай телефон қилишяпти ва хатлар йўллашаяпти. Биз бу хатларни имкон қадар эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилиб бормоқдамиз.

Мана шундай хатлардан бири Бухоро вилояти Қоракўл шаҳрида яшовчи аскар онаси Дилором опа Жўрақуловадан келган.

«...ўғлим Дилшоджон Ражабов 2003 йил баҳорда янги қонун асосида бир йиллик хизматга чақирилди. Иккита фарзандим бор, иккаласи ҳам ўғил. Ўғилларимнинг кўз олдимда юришини хоҳлаб, аввало Дилшоднинг армияга кетишига қарши туриб олдим. Турмуш ўртоғим эса ҳар бир эр йигитнинг армияга боришини таъкидларди. Ўғлимни хизматга кузатишга мажбур бўлдим. Ҳарбий қасамёд қабул қилган куни ўғлимни кўргани бордим. Уни ҳарбий либосда кўриб кўзларимдан қувонч ёшлари чиқиб кетди. Қасамёд тадбиридан сўнг уларнинг яшаш шароити билан танишмоқчи бўлиб, аскарлар ошхонасини, ётоқхонасини кўздан кечирдим. У ердаги шароитларни кўриб хавотирларим ўринсиз эканлигини тушуниб етдим. Чунки юртимиз посбонлари учун ҳамма қулайликлар мавжуд экан. Кўнглим таскин топиб уйга хурсанд қайтдим. Орадан бир йил ўтди. Хаёлимда кечагина ўғлимни ҳарбий хизматга кузатганман, бугун эса кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдаман. Вазирлар Маҳкамасининг Қарори ва Мудофаа вазирининг Буйруғини газетада ўқиб қувончимни яширолмай сизларга хат йўлламоқдаман.

Олий ўқув юртларига кирмоқчи бўлган фуқароларга энг юқори тўпланадиган баллнинг 20% миқдорида қўшимча балл берилиши, яна касбкорига қараб ишга жойлаштириш ҳақида ҳам гап кетган. Ахир бундай имкониятдан қувонмай бўладими? Давлатимиз келажак ёш авлодга жуда катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Вақти келиб мана шу авлод мамлакатимизнинг келажак пойдеворини қуриб, Ўзбекистонимизни энг илғор, ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқишига шак-шубҳа йўқ».

Мана шундай сўзлар билан дилидагини оқ қоғозга тўккан аскар онаси қувончларини юртдошларимиз билан бирга баҳам кўришни ихтиёр этибдилар.

Ҳ. КОМИЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Латвия Республикаси Президенти Вайра Фрике-Фрейберганинг таклифига биноан 2004 йил 7—8 апрель кунлари давлат ташрифи билан Латвияда бўлади.

Ташриф давомида ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

АСКАРЛАРИМГА ИШОНАМАН

Оддий аскарлар — Баҳодир Худойқулов, Хайрулло Ёқубов ва Анвар Собиров қишки ўқув мавсуми давомида барча ҳарбий тайёргарликлардан фақат юқори натижаларга эришиб келмоқда. Улар ўз кичик жамоасининг қисмда илғор бўлинма бўлишига астойдил ҳаракат қилишмоқда. Шунинг учун ҳам бу аскарлар ҳар бир ўқув-жанговар вазифани фақат аъло баҳога бажаришга тиришқоқлик билан киришади.

Юқорида тилга олган аскарлар нимага қодир эканлигини яқинда бўлиб ўтган дала-ўқув машғулотларда ва жисмоний тайёргарликда яна бир марта исботлашди. Улар қўмондон қўйган вазифаларни аниқ ва тўғри бажаришди. Турникда эса ҳар бири 15-18 мартадан тортилишди ва жисмонан бақувват эканлигини намойиш этишди.

— Бу юқори натижалар ўз-ўзидан келмайди, албатта, — дейди бўлинма командири шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Улуғбек Худойберганов, Б. Худойқулов, Х. Ёқубов, А. Собиров ҳаракатчан ва тиришқоқ аскарлар бўлиб ҳисобланади. Мен бўлинма командири сифатида тўлиқ ишонаман — улар баҳорги синов машғулотларда ҳамма тайёргарликлар бўйича фақат аъло баҳога топширишади.

Майор З. ХАИРИТДИНОВ.

ТИББИЙ КОМИССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳар йили баҳор ва кузда она-Ватан ҳимоясига шай ўғлонлар муддатли ҳарбий хизматга чақирилади.

Йилнинг апрель—май ва октябрь—ноябрь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг мудофаа ишлар бошқармалари ва барча шаҳар, туман чақирув пунктларида иш кўпаяди. Комиссия аъзолари чақирилувчиларнинг оилавий шароити, жисмоний ва маънавий тайёргарлигини синчиклаб ўрганади.

Айни пайтда ҳарбий либос кийишга ошиқаётган бўлғуси Ватан ҳимоячиларини энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаган малакали шифокорлар тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Бектемир туманида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳомийлигида ана шундай чақирув тиббий комиссия пункти қад ростлади.

— Ўтган йилларда чақирилувчилар беш километр наридаги туман марказий поликлиникасида кўрикдан ўтарди, — дейди туман мудофаа ишлар бўлими бошлиғи майор Савриддин Шарипов. — Давлатимизнинг чақирув комиссиялар фаолиятини яхшилашга қаратилган эътибори боис мушкулимиз осонлашди. Янги пунктда барча шароит муҳайё этилган.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

ЕХҲТнинг „Таълим—келажакка йўналтирилган сармоя“ минтақавий конференцияси иштирокчиларига

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Сизларни Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрига ташрифингиз билан чин дилдан қутлайман.

Марказий Осиё жаҳон цивилизацияси тарихида илм-фан вужудга келган ва тараққий этган, эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари қарор топган минтақа сифатида алоҳида ўрин эгаллайди. Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқа қатор буюк мутафаккирларнинг номлари бугунги кун маорифига асос бўлган мерос билан узвий боғлиқдир.

Ҳозирги пайтда бир ҳақиқатни ҳар качонгидан кўра теран англаб олиш муҳим аҳамиятга эга: самарали таълим тизимини яратмасдан туриб жамиятни ислоҳ этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тасаввур этиш қийин.

Ушбу соҳага устувор аҳамият берилиши, шубҳасиз, унинг келгуси тараққиёти учун замин ҳозирлайди. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг муттасил ривожланишига эришиш учун узлуксиз таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, энг янги технологияларни жорий этиш ва халқаро таълим билан интеграциялашув талаб этилади. Бу вазифа Ўзбекистонда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз ифодасини топган.

Бугунги кунда таълим нафақат давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашда, айни пайтда терроризм ва диний экстремизм каби хавфсизликка нисбатан янги таҳдидларнинг вужудга келиши ва тарқалишининг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга экани барчага аён. Ислом динини сиёсийлаштиришга ва ундан экстремистик мақсадларда фойдаланишга уринишлар давом этаётган вазиятда таълим соҳаси «тафаккур учун кураш»нинг, аввало, ёш авлод дунёқараши учун курашнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Фаолиятида таълим масалалари тобора устувор аҳамият касб этаётган ЕХҲТга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни билдираман. Бунда ЕХҲТга раислик қилаётган Болгариянинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга.

Ишончим комилки, ушбу анжуман таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг янада ривожланиши ва кенгайишига хизмат қилади.

Барчангизга ана шу олижаноб ишда самарали меҳнат ва муваффақият тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

● ЯКУНИЙ СИНОВЛАР ОЛДИДАН

Ишонч муваффақиятга чорлайди

— Дала-ўқув машқларида юқори кўрсаткичларга эришган посбонларимиз талайгина, — дейди биз билан суҳбатда катта лейтенант Фурқат Чўлиев. — Умуман олганда, уларнинг барчаси ўзларининг нимага қодир эканликларини кўрсатишди. Бошқа посбонларимизнинг ҳам хизматларини тан олган ҳолда оддий аскар Шоҳруҳ Маҳкамов номини алоҳида таъкидламоқчиман.

— Командирлар ютуғимни барчага намуна қилиб кўрсатганларида қалбимни фахр ҳисси қамрайди, — дейди оддий аскар Шоҳруҳ Маҳкамов. — Ҳарбий жамоамизда дала-ўқув машғулотлари аълочилари кўпчилик. Қисқа аскарлик хизмати давомида жанговар тайёргарликдан юқори натижаларга эришиш биринчи навбатда командирларнинг тинимсиз меҳнати ва маҳоратига боғлиқдир. Бугун қайсидир даражада ўзимизни кўрсата олган бўлсак, демак, биз уларнинг фидойиларча меҳнатини юзага чиқардик. Олдинда турган жиддий синовларни ҳам муваффақиятли якунлаб, бизга билдирилган юксак ишончни шараф билан оқлаймиз.

Назокат НОДИРШОҲОВА.

Минтақавий конференция

«Интерконтиненталь» меҳмонхонасида «Таълим — келажакка йўналтирилган сармоя» мавзуида минтақавий конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон ҳукумати ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу анжуманда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Афғонистон таълим вазирликлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманни ЕХҲТнинг амалдаги раиси, Болгария ташқи ишлар вазири Саломон Пасси очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг конференция иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Абдувоҳидов ўқиб эшиттирди.

Конференцияда жаҳон андозаларига асосланган таълим тизимини жорий этиш иқтисодий-сиёсий тараққиёт билан бир қаторда хавфсизлик ва барқарорлик тамойилларини янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири экани таъкидланди. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда таълим соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов мамлакатимиз таълим тизимида ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган ислоҳотлар, ёш авлодга пухта билим беришни таъминлаш, педагоглик касбининг нуфузини ошириш йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталди.

Қозоғистон таълим ва фан вазири ўринбосари Кулуаш Шамсиддинова, Қирғизистон таълим вазири Мустафо Кидибоев, Тожикистон таълим вазири Сафарали Ражабов ҳамда Афғонистон таълим вазири Юнус Қонуний сўзга чиқиб, ушбу мамлакатларда таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлади.

Қатнашчилар Марказий Осиё мамлакатларининг таълим соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш, таълим жараёнига халқаро ва нодавлат ташкилотларни жалб қилиш, ЕХҲТнинг мазкур соҳадаги фаолиятини кенгайтириш ва Марказий Осиё минтақасидаги таълим тизимини янада такомиллаштириш истиқболлари юзасидан фикр алмашдилар.

Анжуманда Жаҳон банки, Осиё Тараққиёт банки, БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) каби қатор халқаро ташкилотлар мутахассислари сўзга чиқиб, Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон таълим тизимидаги вазият, ушбу соҳани ривожлантириш, таълим олиш жараёнининг жаҳон андозаларига мос келиши йўлида қилиниши лозим бўлган ишлар борасидаги қарашларини баён этди.

Бобур СОБИРОВ,
ЎзА мухбири.

„Энг улуғ, энг азиз“ кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси биз учун энг азиз бўлмиш она-Ватан фарзандлари руҳияти, қалби ва онгида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришларини ижодий асарларда янада кенгроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танловига барча ижодкорларни таклиф этади.

Кўрик-танловга тақдим этилаётган ижодий ишларда қуйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим:

мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини;

мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маънавий-маърифий соҳаларда-ги ислоҳотлар жараёни ва бу борада эришилган ютуқлар;

миллий истиқлол ғояси ва мафкурасининг шаклланиши;

она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат;

миллий ғурур, азалий ва умумбашарий қадриятлар;

кишилар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасида кузатилаётган ҳурлик ўзгаришлари;

фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчилик йўлида изланаётган замондошларимиз қиёфаси;

мамлакатимиз мустақиллигининг дадил одимлари;

буюк истиқлол туфайли қўлга киритилаётган моддий ва маънавий неъматлар кўлами.

Кўрик-танлов ҳайъати томонидан аниқланган ғолиблар Ватанимиз мустақиллигининг 13 йиллиги байрами арафасида мукофотланади ва матбуотда эълон қилинади.

Танлов ғолибларини қимматбаҳо совринлар кутади.

Ижодий ишлар икки нусхада 2004 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30 уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси «Энг улуғ, энг азиз» Республика кўрик-танлови ҳайъати.

Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-37-87.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Россия ва НАТО 2004 йилда Россия ва альянсга аъзо бўлган бошқа давлатлар ҳудудида бир-бирларининг ҳарбий бўлинмалари ва ҳарбий техникаларини жойлаштириш имкониятлари ҳақидаги битимни имзолайдилар. «Ишонаманки, бу йили биз НАТО билан «Кучлар статуси тўғрисида»ги битимни имзолаймиз», — деб журналистларга хабар қилди Россия мудофаа вазири Сергей Иванов Ослода берган интервьюсида. «Ҳужжат НАТО бўлинмаларига ўз ҳарбий техникаси билан бизнинг ҳудудимизда, бизга эса альянсга аъзо мамлакатлар ҳудудида жойлашишга имкон яратади», — деди Иванов.

***

«Эронда БМТ назоратчиларидан яшириладиган ҳеч қандай махфий ядровий корхоналар йўқ», деб маълум қилди мамлакат ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Ҳамид Асефи журналистларга берган интервьюсида.

«Эронда биз назоратчилардан яшираётган ядро марказ йўқ», — деди у.

***

Ёсир Арафот раҳбарлик қилаётган ФАТХ ҳаракати «агар Исроил Фаластин раҳбарини ўлдиришга ҳаракат қиладиган бўлса, «жуда катта баҳо тўлайди», деб огоҳлантирувчи баёнотни эълон қилди. «Ҳужум минтақани урушга ботиради ҳамда тинчлик жараёнини тиклашнинг ҳар қандай имкониятларини йўққа чиқаради», — дейилади Ғазода тарқатилган баёнотда. Унда, шунингдек, «Арафотга суиқасд қилиш сиёсий аҳмоқлик бўлади...», деб таъкидланади.

Исроил бош вазири Ариэль Шарон, «Фаластин раҳбарларидан ҳеч қайсиси, шу жумладан Ёсир Арафот ҳам, ўзини хавфсизликдаман деб ҳис қила олмайди», деб маълум қилди. «Яҳудийни ўлдирган ёки Исроил фуқаросига зиён етказган, ёки яҳудийни ўлдириш учун бирон кимсани юборган ҳар қандай шахс албатта топилади», — деди Шарон.

(Интернетдан олинди).

● МУНОСАБАТ

БЕПАРВОЛИК—ЁМОН ИЛЛАТ

Аскарлик фаолиятим тугай деб қолди. Эрта-индин ота-онам бағрига қайтаман. Назаримда, вақт жуда тез ўтиб кетгандек. Кечагина устимга ҳарбий либос кийган эдим. Бугун эса уйга қайтиш тараддудини кўряпман. Бироқ, ўша кеча билан бугуннинг орасидаги муддатда армия деган мактабда ўқидим, ўргандим, камол топдим, чиниқдим. Барча тайёргарликлар бўйича кўрсаткичларим талаб даражасида.

Кейинги кунларда Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида содир бўлган воқеаларни эшитиб, ниҳоятда дарғазаб бўлдим. Бир мен эмас, мен билан биргаликда ўз йигитлик бурчларини ўтаётган сафдошларим ҳам жуда аччиқланишди.

Бизнинг энг катта бойлигимиз тинчлик эканлигини яхши тушунамиз. Тинчлик йўқ жойда одамларнинг ҳаловати бузилади. Ғаламис кимсалар бизнинг тинч ҳаётимизни кўриша олмаяпти. Мустақиллик даврида қўлга киритаётган ютуқларимиздан саросимада. Шу боис ҳам қандай йўл билан бўлмасин, улар бизга ташвиш туғдириш, танлаган йўлимиздан чалғитиш ниятида.

«Ит ҳурар, карвон ўтар», деган гап бор. Бироқ, бир нарсани ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз даркор. Ҳар он, ҳар қадамда бепарволик бизга ёт бўлиши керак. Бепарволик — ёмон иллат. Озгинагина сезгирликни қўлдан бой берсак, душманларимиз бундан усталик билан фойдаланишади. Бир дам огоҳликдан чекинсак, бизни ғафлат босса, ёмон ниятли кимсаларнинг пайтавасига қурт тушади. Ғимирлаб қолади.

Террорчилар ўзларининг бошларига ўзлари етади. Лекин улар ҳеч қандай гуноҳи йўқ, тинч аҳолининг ҳам ҳаётига зомин бўлишаётир. Энди бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Қани эди, имкони бўлсайди, ер юзидан ана шундай кимсалар битта қолмай йўқ бўлиб кетишса.

Юқорида айтган фикримни яна такрорлайман, биз бепарво бўлмасак, ҳушёрлик ва огоҳлигимизни оширсак, уларнинг қўлидан ҳеч нарса келмайди.

Мен хизмат қилган чоғимда кўп дўстлар орттирдим. Дўстларим—оддий аскарлар Ҳамидулло Юсупбоев, Алибек Тўлабековлар ҳам яқинда уйларига қайтишади. Биз уйга қайтганимиздан сўнг ўз олдимизга маҳалла посбонлари сафидан жой олишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Маҳаллаларимиз қанча тинч бўлса, юртимиз шунча тинч, фаровон бўлади.

Оддий аскар
Исмоил АШУРОВ,
Жиззах гарнизони.

● ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ БИЛИМЛАР ЯГОНА КУНИНИ ЎТКАЗУВЧИЛАРГА ЁРДАМ

ҲАР БИР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИНИНГ ЮКСАК БУРЧИ ВА МУҚАДДАС МАЖБУРИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармасининг тадбирлар режасига мувофиқ 14-15 апрель кунлари Қуролли Кучларимизнинг барча қисм ва бўлинмаларида «Ўз касбий маҳоратини такомиллаштириш, Ватаннинг садоқатли ватанпарвари бўлиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбурияти» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар ягона куни ўтказилади.

Ушбу мавзуни ўрганиш ҳар бир ҳарбий хизматчининг мамлакат мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш борасидаги ўз ватанпарварлик бурчини ҳамда ўз касбий маҳоратини изчил такомиллаштириб бориш, интизомли ва доимо жанговар шай ҳолатда бўлиш заруратини чуқур англаб етишида катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга.

Мазкур мавзу бўйича машғулотлар ўтказишга бошқарма, штабларнинг энг яхши тайёргарликка эга бўлган офицерларини, қисм ва бўлинмалар командирларини, ҳарбий адлия офицерларини, шунингдек, энг яхши ижтимоий-сиёсий гуруҳлар раҳбарларини жалб этиш лозим.

Мавзуни икки асосий саволдан келиб чиққан ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ:

1. Касбий маҳоратни такомиллаштириш, мустаҳкам ҳарбий интизом ва доимий жанговар шайлик — ҳар бир ҳарбий хизматчининг муқаддас бурчи.

2. Ўз Ватанининг ватанпарвари бўлиш, Ватанга, халққа ва Президентга садоқат — ҳарбий хизматчининг энг муҳим маънавий-жанговар ва ахлоқий-руҳий фазилатидир.

Ўқув йили учун қабул қилинган жанговар шиорда ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳоратини такомиллаштириш масаласи ҳарбий хизматчиларимиз фаолияти бош ғоясининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолаётгани ҳам тасодиф эмас.

Хўш, ҳарбий хизматчининг профессионализми (касбий маҳорати) ўзи нима?

Бу нафақат ҳарбий хизматчининг ўз ҳарбий касбини ва юқори жанговар маҳоратни эгаллаши. Бу масалага кенгроқ кўламда ёндашиш керак. Профессионализм — бу ҳарбий хизматчи билимларнинг чуқурлиги ҳамда унинг мантиқий фикр юритиш ва ҳаракат қилиш қобилияти. Бу ҳарбий хизматчи шахсининг маънавий бойлиги ва ахлоқий ҳиссиётларининг олижаноблиги. Бу ақл, маънавий ва жисмоний етуклик бирлиги, билим ва маҳоратларнинг сайқалланганлиги ҳамда уларни жанговар вазиятнинг энг мураккаб шароитларида ҳам қўллай олиш маҳорати.

Эслатиб ўтамиз, Қуролли Кучлар Ички хизмат Низоми ҳарбий хизматчидан «ҳарбий касб билимларини мунтазам эгаллашни, ўз ҳуқуви ва аскарий маҳоратини такомиллаштиришни» талаб этади. Айнан мана шу талаб остида профессионализм, юқори жанговар маҳорат турибди.

Бу талабнинг мазмун-моҳияти қандай ва у нимани кўзда тутади?

Биринчи. Ҳарбий касб бўйича билимларни виждонан эгаллаш, жанговар техника ва қурол-яроғларни аъло даражада билиш, техника билан ишлаш ва уни жанговар қўллашга тайёрлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажаришда мустаҳкам кўникмаларга эга бўлиш, техникага хизмат кўрсатиш ва камчиликларни мустақил равишда йўқ қилиш маҳорати.

Учинчи. Аввало, юқори савиядаги ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, минтақа ва жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазиятни чуқур билиш ва ундан тўғри амалий хулосалар чиқара олиш.

Тўртинчи. Ўз касбий маҳоратини такомиллаштириш — ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, жангчиларда юқори интизомлилик ҳиссини шакллантириш демак. Жангчининг интизомлилиги ва юқори жанговар шайлик — ажралмас бўғинлардир. Интизомлилик жангчининг маънавий руҳиятини мустаҳкамлайди, унда юқори ахлоқий-ҳусусиятлари, шартли душман ҳаракатлари характери ва усуллари билан ҳам тақозо этилмоқда.

Яқин ўтмиш воқеалари ва экстремистларнинг жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида тўхтовсиз амалга ошираётган террористик хуружлари, 28—30 март кунлари Тошкентда содир этилган террористик ҳаракатлар, Бухородаги портлаш шуни англатмоқдаки, душман айёр ва бизнинг бепарво ҳамда беғам бўлишимизни кутади, у маккор ва яхши қуролланган, у разил, сурбет ва ваҳшийдир. Бизнинг бурчимиз — доимо ҳушёр бўлиш ҳамда техника ва қурол-яроғларимизни жанговар қўллашга доимо тайёр ҳолда тутишимиздир. Шуни доим эсда тутмоқ лозимки, бўлинмаларни, демак техника ва қурол-яроғни жанговар шай ҳолатга келтиришдаги кечикиш, ҳушёрликни ошириш бўйича чора-тадбирлар кўрмаслик, босқинчилик хавфига етарлича баҳо бермаслик, вақтни ҳисоблаш ва ҳужум усулларига баҳо беришда янглишиш оғир оқибатларга олиб келади. Юқори даражали ҳушёрлик ва доимий жанговар шайлик ҳар бир жангчининг ҳаёт қонуни бўлмоғи зарур.

Иккинчи. Профессионализм, шунингдек, техник томондан яхши қуролланган ва айёр душманга қарши жангга юқори маънавий-руҳий тайёр бўлишни, ўзида кучли ирода, сабот-матонат, жасурлик, жисмоний чиниқиш ва чидамлилик, ташаббускорлик, ўзаро ёрдам, қўллаб-қувватлаш, аскарий дўстлик ҳиссиётларини шакллантиришни ҳам кўзда тутади. Ҳақиқий жанг шароитларига яқинлаштирилган вазиятларда ҳаракат қилиш, душманни, унинг қуролланиши, ҳаракат қилиш тактикаси, мафкураси ва руҳий тайёргарлигини ҳар томонлама билиш маҳорати ҳам шулар жумласига киради.

Учинчи. Аввало, юқори савиядаги ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, минтақа ва жаҳондаги ҳарбий-сиёсий вазиятни чуқур билиш ва ундан тўғри амалий хулосалар чиқара олиш.

Тўртинчи. Ўз касбий маҳоратини такомиллаштириш — ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, жангчиларда юқори интизомлилик ҳиссини шакллантириш демак. Жангчининг интизомлилиги ва юқори жанговар шайлик — ажралмас бўғинлардир. Интизомлилик жангчининг маънавий руҳиятини мустаҳкамлайди, унда юқори ахлоқий-жанговар ва руҳий сифатларни шакллантиради. Жангчининг юқори интизомлилиги бу — буйруқларни бажаришдаги аниқлик ва равшанлик, бу — бўлинмалар ҳаракатидаги уюшқоқлик, ҳамжиҳатлик, бу — тезкорлик ва барча ўқув-жанговар вазифаларни юқори сифатда бажариш демак.

Яна бир бор таъкидлаймиз: интизомлилик — бу ҳарбий хизматчининг энг муҳим маънавий-жанговар ва руҳий сифатлари, юқори жанговар интизом эса — жангчининг ўқув ва жангдаги муваффақиятлари асосидир. Ҳарбий хизматчи учун интизомли бўлиш нимани англатади?

Интизомли бўлиш — бутун ҳарбий хизмат мобайнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомлар талабларига қатъий риоя қилиш, командир ва бошлиқлар буйруқларини сўзсиз бажариш заруратини чуқур англамоқ демак.

Интизомли бўлиш — топшириладиган вазифага юқори масъулият билан ёндашиш, жанговар ўқув ва жанговар шайлик масалаларини сифатли ҳал қилиш, тактик машқлар ва машғулотларда ғайрат билан ҳаракат қилиш, қунт-матонат билан олинган мажбуриятлар бажарилишига эришиш демак.

Интизомли бўлиш — ўзида аниқлик, бажарувчанлик, ҳарбий низомлар талабларига ҳурматни шакллантириш, ташаббускорлик, тоқ қирлик ва ижодкорлик кўрсатиш, ўзини, ўз хатти-ҳаракатини бошқара олиш демак. Шунингдек, бўлинмада низомий тартиб ўрнатишда командирга ёрдам бериш. Ҳарбий жамоада низомий ўзаро муносабатлар, жанговар дўстлик ва ўртоқлик ҳиссини мустаҳкамлаш учун қатъий курашиш.

Интизомли бўлиш — ҳарбий ислоҳотларнинг аҳамияти ва заруратини чуқур англаб етиш ва ҳушёрлик ҳамда жанговар шайликни ошириш бўйича қўмондонлик томонидан белгиланган тадбирларни амалга оширишда фаол ҳаракат қилиш демак. Сабот-матонат билан ўзини мустақил Ватан ҳимоясига, инсоният фаровонлигига хавф солаётган халқаро террорчи ва диний-экстремистларга қарши аёвсиз курашга тайёрлаш. Ҳар доим ва ҳар жойда ўз Ватанининг ватанпарвари, Ватан, халқ ва Президентга содиқ бўлиш демак.

Иккинчи саволни кўриб чиқишга ўтилар экан, тингловчиларга ўз Ватанининг ватанпарвари бўлиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи ва мажбурияти эканлигини эслатиб ўтиш лозим. Ватанпарвар бўлиш — ўз Ватани, халқи, қадрдон ерини чексиз севиш демак. Ватан, худди она каби, инсонда фақат битта бўлишини ҳамда унга нисбатан фарзандлик бурчи — муқаддаслигини, фарзандлик муҳаббати эса чексиз эканлигини эслатиб ўтиш зарур. Ўз Ватанига бўлган чексиз, самимий муҳаббат инсонда, айниқса, Ватан озод, мустақил бўлганда, халқ ривожланишнинг ўз йўлини танларанда ҳамда бугунги куни ва келажагини қура бошлаганда яққол намоён бўлади. Биз ўз йўлимизни — янгиланиш ва тараққиёт йўлини танладик. Биз Ватанимизни севамиз ва унинг муваффақиятлари билан фахрланамиз. Биз Ватанимизга садоқат билан хизмат қиламиз ва уни кўз қорачиғимиздек асраймиз. Ватанпарварлик ҳисси — бу буюк ҳиссиёт, у инсонда, оилада, мактабда, лицей, коллеж, олий ўқув юртида, меҳнат ва ҳарбий жамоаларда тарбияланади. Бу ҳиссиёт инсонни руҳлантиради, уни Ватанини янада фаровон, гуллаб-яшнаган, қудратли бўлиши учун ҳаракат қилишга ундайди. Бу ҳиссиёт ҳарбий хизматчида энг юқори маънавий-ахлоқий сифатларни ва, аввало, ўз мустақил Ватани, қадрдон ери, халқининг тинч ҳаёти ҳимоясида туришга доимо шай бўлиш ҳамда уларни қаҳрамонона, моҳирона, ўз қони ва жонини аямасдан ҳимоя қилиш каби сифатларни шакллантиради. Чунки дунёда Ватани, унинг сарҳадларини ва ўз халқининг тинч ҳаётини ҳимоя қилишдан муқаддасроқ бурч йўқ. Шу билан биргаликда, ватанпарварлик — бу инсоннинг ўзи туғилиб ўсган, аждодлари қабри жойлашган қадрдон ерларга боғлиқлиги ҳамдир. **Бизнинг ватанпарварлигимиз — бу Ватанга, қадрдон еримизга, ўз халқимизга бўлган чуқур муҳаббатимиз, ўз манфаатларимиз ҳамда Ватан ва халқ манфаатлари узвий боғлиқлигини тушуниш, ўз мамлакатимиз, унинг мустақиллик йўлида эришган муваффақиятлари билан фахрланиш ҳисси ҳамда уни ҳар қандай босқинчидан, у қандай шакл ва кўринишда бўлмасин, ҳимоя қилишга доимо шай бўлишдир.**

Ватанпарварлигимиз қандай асосий белгилар билан характерланади?

Биринчидан, ватанпарварлигимизнинг энг асосий белгиси бизнинг мустақил Ватанга муҳаббатимиз, миллий ғоямиз, мустақиллик ғоялари билан бирлашиб кетганлигидир. Янги жамият, келажаги буюк давлат қура туриб, ҳар биримиз аввало Ватан буюклиги, халқ фаровонлиги ва унинг хавфсизлиги ҳақида ўйлаймиз. Мустақилликка эришиш билан бирга туғилган Ватан ҳисси ҳозирда янада чуқур маъно касб этмоқда. Биз фаровон, сербарака еримизда, буюк аждодларимиз ерида мустақиллик ғояларини амалга ошириш, демократик давлат, фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз.

Шунинг учун ҳам ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Ватанни фақат инсон туғилган жой сифатида тушуниш билан чегараланиб бўлмайди. У бизнинг ғоямиз, миллий мустақиллик мафкураси, янги жамият қуриш борасидаги ислоҳотларимизнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши лозим. Ислоҳотларимиз моҳияти мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг IX сессиясидаги **«Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»** номли дастурий маърузасида ҳар томонлама кенг очиб берилган.

Иккинчидан, ватанпарварлигимизнинг характерли белгиларидан бири мустақил Ватанга муҳаббатимиз мустақиллик ғоялари, ўз жонажон еримиз, халқимизга чамбарчас боғланганлигидир. Ватанга, халққа, Президентга садоқат — ватанпарварлигимизнинг энг олий намунасидир.

Айнан мустақиллик ғояларига содиқлик, Ватанга, халққа ва Президентга садоқат жангчиларимизга жонажон юртимиз сарҳадларини ишончли ҳимоя қилишларида ёрдам бермоқда.

Учинчидан, ватанпарварлигимиз таъсирчан, жалб қилувчи куч сифатида намоён бўлади. У кузатувчанлик эмас, яратувчанлик характерига эга бўлиб, инсонни мустақил Ватан шарафи учун буюк ишларга ундайди. Мустақиллигимизнинг ўн икки йили мамлакатимизга кўплаб қаҳрамонларни берди, минглаб юртдошларимиз, шу жумладан Қуролли Кучларимиз жангчилари ҳам шавкатли, фидокорона меҳнатлари учун Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари билан тақдирландилар.

Тўртинчи, ватанпарварлигимиз жамиятимиз жипслигини, Ўзбекистон Республикасидаги барча миллат ҳамда элатларнинг дўстлиги ва бирдамлигини, халқимизнинг фуқаролик, миллатлараро тотувлиги ва динлараро бағрикенглигини, унинг маънавиятини ифода қилади. Ватанпарварлигимизнинг бу белгиси ҳарбий жамоаларимизни жипслаштирувчи, мустаҳкамловчи қудратли куч сифатида намоён бўлиб, улардаги жанговар дўстлик, ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби сифатларни тасдиқлаб беради.

Ватанпарвар бўлиш — бу давлат фуқароларининг маънавий-ахлоқий бурчи, мажбурияти. **Мустақил Ватанимизнинг ватанпарвари бўлиш — ўз шонли юртининг, ерининг ҳамда меҳнатсевар ва бунёдкор халқининг муносиб фарзанди бўлиш демакдир.**

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Ватанга, халққа, Президентга садоқат — ҳарбий хизматчининг Ҳарбий қасамёд ва Умумҳарбий низомларда мустаҳкамланган энг муҳим маънавий-жанговар ва руҳий сифатларидир. Бу унинг мажбуриятлари ҳамдир. Ички хизмат низомида: ҳарбий хизматчи «Ҳарбий қасамёдга содиқ қолишга, ўз халқига фидойиларча хизмат қилишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий бутунлигини матонат, маҳорат билан, сўнгги томчи қони ва ҳатто ҳаётини аямасдан ҳимоя қилишга, ҳарбий бурчни бажаришга мажбурдир» деб таъкидланган.

Ватан ва Ватанга садоқат — душманлар билан курашда буюк, енгилмас кучдир. Ва бу кучни жангчиларимизга қадрдон замин, Ватан, уларни тарбия қилган халқ беради. Биз — Ватан ҳимоячилари доимо ёдда тутмоғимиз зарурки, биз ўз қадрдон уйимиз — Ўзбекистонимизни ҳимоя қилмоқдамиз. Ва уни доимо бор восита ва имкониятларимиз билан ҳимоя қиламиз. Ҳар бир жангчи кундалик хизматда, жанговар навбатчиликда ёки Ватан ҳимояси учун жангга киришаётганда унинг ортида бутун мамлакат, халқи турганлигини чуқур ҳис қилмоғи, билмоғи лозим.

Ватанга садоқат, ватанпарварлик — бу ҳарбий хизматчининг касбий ва жанговар маҳоратини, унинг интизомлилигини таъминлаб турувчи, сафарбар этувчи ва руҳлантирувчи буюк куч бўлиб, Қуролли Кучларимизни биз яшаётган ҳозирги мураккаб даврнинг вазифалар даражасига кўтаради.

Қуролли Кучлар жангчилари — ўз халқи ва буюк Ватанининг муносиб ўғлонларидир. Бугунги кунда касбий маҳоратни доимий такомиллаштириб бориш, ҳушёрлик, огоҳлик ва жанговар шайликни ҳар томонлама ошириб бориш, мустақиллигимиз ва халқимизнинг тинч ҳаётини ишончли ҳимоя қилиш — уларнинг муқаддас бурчи ва мажбуриятидир. Юксак ватанпарварлик ҳисси билан йўғрилган Қуролли Кучларимиз жангчилари кундан-кунга ўз ҳарбий маҳоратларини ошириб, ҳарбий интизом ва жанговар шайликни мустаҳкамлаб бормоқдалар. Ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан қишки мавсум ўқув машғулотларини муваффақиятли якунлаб, баҳорги синовларда юқори натижаларга эришиб, ҳақиқий ҳарбий касбнинг усталари эканликларини намойиш этиш уларнинг бугунги бош мақсадларидир.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тарбиявий ишлар бош бошқармаси.

НАКОПЛЕН БОГАТЫЙ ОПЫТ

(Окончание. Начало на 1-й стр.).

Управление артиллерии под руководством полковника А. Покровского на протяжении уже нескольких лет организует и проводит подобные лагерные сборы с участием представителей всех военных округов, а потому, естественно, выработана конкретная программа, позволяющая добиваться максимальной эффективности. Нынешние полевые занятия не стали исключением. Разделенные на четыре этапа, каждый из которых имел свое конкретное направление, они, в конечном итоге, позволили добиться желаемого результата, а именно: заметно улучшить процессы управления огнем артиллерии, повысить выучку офицерского и младшего командного состава, обогатить специалистов всех категорий необходимыми навыками.

Конечно, самое пристальное внимание уделялось двум последним, где проводились тактические учения батарей и дивизионов с боевой стрельбой. Однако и на начальном отрезке командирам было над чем поработать. Как правило, все подобного ранга мероприятия начинаются с совершения марша, который уже определяет первую оценку воинским коллективам. На данном участке, по словам начальника лагерного сбора офицера В. Крассовского, все без исключения подразделения продемонстрировали безупречную выучку. Многие из них в район полигона выходили, как говорят, своим ходом, и это обстоятельство накладывало особую ответственность на водителей и механиков-водителей, а некоторым предстояло проходить этот путь железнодорожным транспортом, но от этого важность этой задачи ничуть не умалялась, ведь для того, чтобы боевые машины установить на платформе, требуется филигранная точность, а чтобы надежно закрепить их — сноровка и умение. Одним словом, с первоначальной задачей, как уже говорилось выше, артиллеристы справились успешно, а, как известно, каков запев, такова и песня. А выдалась она на славу, прозвучала слаженно, гармонично и каждой нотой своего звучания подтвердила — в нужный момент «боги войны» не подведут, сделают все для того, чтобы на корню пресечь малейшие поползновения тех, кто посягнет на самое святое — мир на нашей земле. Конкретными делами, мужеством и отвагой доказали они это во время Сариасийских событий, в готовности были выполнить свой священный долг и сейчас, когда щупальца международного терроризма вновь коснулись нашего свободолюбивого народа. На этот раз в помощи артиллеристов необходимости не было, но весть о тревожных событиях в столице и Бухарской области болью отдалась в сердце каждого из них, и, выполняя учебно-боевые задачи, они твердой, уверенной рукой посылали снаряд за снарядом точно в цель, убеждая всех в том, что в случае надобности пощады врагу не будет.

Как всегда, верным себе осталось подразделение кавалера медали «Жасорат» офицера Ф. Кубаева. Над бескрайними просторами полигона еще только занимался рассвет, а на командно-наблюдательном пункте и на огневых позициях этого дивизиона уже кипела напряженная работа. Уточнялись данные разведки, производились сложные математические расчеты, в эфир летели мало что говорящие несведущему человеку слова — угломер, дирекционный угол, поправка и т. д. В точно назначенный срок весь этот комплекс мероприятий был сведен в единое целое, логическим завершением которого стали меткие выстрелы артиллерийских орудий.





Блеснули незаурядным мастерством и подчиненные офицера А. Уралова. Реактивные установки, возглавляемые настоящими профессионалами военнослужащими по контракту младшими сержантами С. Яркуловым и Х. Чиникуловым, с поразительной точностью наносили ураганные удары по предполагаемому противнику первыми же залпами.

Под стать опытным офицерам действовали и недавние выпускники училищ. Умело руководил действиями подразделения старший офицер батареи лейтенант А. Анарбаев, в результате чего заслужил слова благодарности вышестоящего командования. А он в свою очередь поощрил увольняемых в запас наводчиков орудий рядовых Ф. Масаитова и Б. Абдуразакова, которые в очередной раз доказали, что являются лучшими в батарее.

С хорошими показателями завершают этот полевой выход минометчики старшего лейтенанта С. Омонова, расчеты самоходно-артиллерийских установок старшего лейтенанта Н. Хасанова, добротный задел на счету экипажей боевых машин капитана С. Курбанова.

— Лестных отзывов, — говорит офицер В. Крассовский, — заслуживает, пожалуй, каждый участник этих тактических занятий, поскольку все они трудились с полной самоотдачей, стремясь достичь новых высот в своем профессиональном становлении и, на мой взгляд, намеченного достигли, что, несомненно, позволит артиллерийским подразделениям успешно завершить зимний период обучения и с уверенностью смотреть в будущее.

Подполковник Ярослав КОРУКА.
Фото автора.

Военно-политические новости

СИНГАПУР ВЫВЕЛ...

Сингапур, один из союзников США по антитеррористической коалиции, вывел всю свою воинскую группировку из Ирака. «Сегодня в Сингапур возвращается последняя группа солдат, и теперь наших военных уже нет в Персидском заливе», — заявила глава пресс-службы министерства обороны Сингапура Фелиция Танг. Сингапур в феврале этого года отправил в Ирак группировку, состоящую из 31 военнослужащего, а также транспортный самолет С-130. Правительство Сингапура приняло решение о возвращении своих военных в связи с решением Испании о выводе своих войск из Ирака после терактов в Мадриде.

ҲАР ТОМОНЛАМА ТАҚИҚ

АҚШ «ишончли ахборотга» асосланиб, Эронга ядровий, биологик ёки химиявий қуроллар яратиш имконини берадиган жиҳоз ва технологиялар сотган етти мамлакатнинг 13 та ташқи компаниясига қарши санкцияни амалга ошириб. Давлат департаменти матбуот котиби Адам Эрелининг маълум қилишича, компанияларга АҚШ ҳукумат ташкилотлари учун маҳсулот экспорт қилиш ва АҚШдан ёрдам олиш тақиқланади. Бундан ташқари, Америка компанияларига юқоридаги фирмалар билан ишлаш ва шартномалар тузиш икки йил давомида тақиқланади. Санкциянинг амал қилиш муддати 2006 йил 31 мартгача.

ГРУЗИЯ НАПРАВИТ...

В Ирак будут направлены 210 грузинских военнослужащих. Об этом заявил министр обороны Грузии Гела Бежуашвили на заседании правительства страны. «Отправка в Ирак грузинских военнослужащих осуществляется в рамках расширения участия Грузии в миротворческой операции в Ираке», — сказал Бежуашвили. Он уточнил, что на этой неделе в Ирак направятся 155 грузинских военнослужащих. Кроме того, в течение месяца туда будет направлено еще 55 человек. Бежуашвили сообщил, что грузинская сторона предложила ООН выделить квоту еще на две усиленные роты грузинских военнослужащих для участия в миротворческой операции в Ираке под эгидой ООН.

МОС РАВИШДА...

НАТОнинг Россия чегараларига яқинлашиб келиши Россия ҳарбий сиёсатини шунга мос тарзда амалга оширилишига сабаб бўлади, деб баёнот беради Владимир Путин.

«Хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда, НАТОнинг кенгайтирилишидан Россиянинг ҳеч қандай хавотири йўқ, аммо НАТО ҳарбий инфраструктурасининг чегараларимизга яқинлашиб келиши мутахассисларимиз томонидан диққат билан ўрганилмоқда. Шу боис ҳарбий сиёсатимиз ана шунга мос тарзда олиб борилади», — деди президент журналистлар билан учрашувда.

Т-90С

На производственном объединении «Уралвагонзавод» (Нижний Тагил) состоялась церемония передачи индийской стороне третьей заключительной партии основного боевого танка Т-90С в мелких сборках. Таким образом, завершен контракт на поставку сухопутным войскам Индии 310 танков Т-90С, который был подписан «Рособоронэкспортом» в феврале 2001 года. На танкостроительном заводе в индийском городе Авади (штат Тамил Наду) налажен сбор танков.

ВАЗИРНИНГ ФИКРИЧА...

АҚШ НАТО раҳбариятини ҳокимият тепасига мустақил миллий ҳукумат келиши муносабати билан Ироқдаги барқарорлашув жараёнидаги ўзининг ролини кучайтириш имконини яхшилаб ўйлаб кўришга чақирди. АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл НАТО мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари билан учрашувдан сўнг журналистларга шуни маълум қилди: «АҚШ фикрича, Ироқ мустақиллиги тиклангандан сўнг, альянс янги қўшма ролни эгаллаши лозим бўлади». Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер бу баёнотни шарҳлар экан, НАТО «ортиқча ташвиш» хавфи остида эканлиги, айни ҳолатда альянс биринчи навбатда Афғонистон ва Болқондаги тинчлик операциялари ҳамда терроррга қарши курашга эътиборини қаратса яхши бўларди», дея қайд қилди.

(Интернет хабарларидан).

● АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Бадиий талқиндаги ватанпарварлик

Бу йил таваллудининг 110 йиллиги нишонланадиган буюк ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг халқимиз мулкига айланган ажойиб асарлари ёш авлодни ватанпарварлик ва элу юртга садоқат руҳида тарбиялаш учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. Ёзувчининг ёвуз кучлар томонидан қатағон қилинишида унинг асарларида илгари сурилган ҳақиқат ва озодлик ғоялари ҳам маълум даражада сабаб бўлган.

Абдулла Қодирийнинг тўнғич «Ўтган кунлар» романи, гарчанд адиб таъкидлаб ўтганидек, «Тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги хон замонлари»дан ҳикоя қилса-да, асар ўзбек халқи ва она Ватанга нисбатан чуқур муҳаббат руҳи билан суғорилган. Романда ватанпарварлик ғоялари асосан икки асосий образ — бош қаҳрамон Отабек ва унинг отаси Юсуфбек Ҳожи образлари орқали илгари сурилади. Ўз мамлакатининг қолоқлигини билган Отабек унинг тараққиёт йўлидан боришини истайди. Бунинг учун тараққиётда нисбатан устунликда бўлган олис-яқин бошқа халқларнинг тажрибасини ўрганиш лозимлигини жон қуйдириб ўз суҳбатдошларига уқтиради: «Шамайда эканман, қанотим бўлса, Ватанга учсам, тўппа-тўғри хон ўрдасига тушсам-да, ўрснинг ҳукумат қонунларини бирма-бир арз қилсам, хон ҳам арзимни тингласа-да, барча элга ёрлиғ ёзиб ўрснинг идора тартибини дастуриламал этишга буюрса, мен ҳам бир ой ичида ўз элимни ўрисники билан бир қаторда кўрсам...».

Илгор рус идора усуллари тарафдори бўлган Отабек ватанпарвар шахс сифатида аввало ўз Ватанига муҳаббат қўйиб, айни замонда тараққиётда маълум даражада орқада қолганига қарамай унга ва фақат унга садоқат сақлайди. Асар хотимасида Отабекнинг Туркистонга босқинчилик юришларини бошлаган рус қўшинларига қарши жангда қаҳрамонона ҳалок бўлиши ҳам рамзий маънога эгадир. Асар бош қаҳрамонининг қурашда шаҳид бўлиши ёзувчининг Ватан озодлигини барча нарсадан устун қўйгани, юртнинг ҳатто илғор — истилочилар томонидан забт этилиши ҳам улкан фожиа эканлигини ўқувчилар онгига етказишга интилганидан далолат беради.

Юсуфбек ҳожи тилидан эса асарда ўлкадаги ноаҳиллик машъум бир фожиа сифатида қораланади. Ҳар хил тусдаги ички низолар мамлакатнинг ички аҳволини оғирлаштириш билан бирга унинг ташқи душманларига ҳам қўл келиши ва ғоятда оғир оқибатларга сабаб бўлиши муқаррарлиги таъкидланади: «Биродарлар! Ўрис ўз ичимиздан чиқадирган фитна-фасодни кутиб, дарбозамиз тагида қўр тўқиб ётибди. Шундай машҳар каби бир кунда биз чин ёвга берадиган кучимизни ўз қўлимиз билан ўлдирсак, сен фалон деб қирилишсак ҳолимиз нима бўладир? Бу тўғрида ҳам фикр қилғучимиз борми?»

Афсуски, Юсуфбек ҳожининг бу оқилона мулоҳазаларига қулоқ соладиган одам кам топилади. Калтафаҳм амалдорлар уни қўрқоқликда айблаб устидан кулишади. «Вай ваҳманг қурғур, ҳожи! Бу кун кўкнори ичкан, шекилли», — дейди Ниёз қушбеги. Халқ ва Ватан тақдирига масъул бўлган ҳолда ўз вазифасига жуда енгил қарайдиган, душманга қарши чора-тадбир кўриш ўрнига, ўз халқининг қонини тўкишга уста бўлган Ниёз қушбегилар ҳақида ёзиш Абдулла Қодирийга қанчалик оғир бўлганини тасаввур қилиш мумкин.

Оғир бир замонни янада оғир бир даврда қаламга олиш жараёнида ҳам Туроннинг буюк кечмиши адибнинг кўз ўнгида доимо турган. У қачон бўлмасин яна бу қутлуғ заминда улуғ аждодларимизга муносиб эркин авлодлар яшаши, улар Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган қаҳрамон боболар номини ифтихор билан ёдлаб, элу юрт ҳоинларини лаънатлашларига ёзувчи заррача шубҳа қилмагани Юсуфбек ҳожининг қуйидаги сўзларидан аён бўлади: «Темур Кўрагон каби доҳийларнинг, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улуғбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилғанлари бир ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағучи албатта Тангрининг қаҳрига сазовордир, ўғлим!»

Бу сўзлар ҳукм каби жаранглайди ва уларнинг «Ўтган кунлар»ни мутолаа қилган ва қиладиган миллионлаб ватандошларимизга қарата айтилгани сир эмасдир. Машъум шўро мустамлакачилиги даврида ҳам ўз асарларида озодлик, ватанпарварлик ғояларини қуйлаган буюк адиб ўз фаолияти ва фожиали ўлими билан ҳам шу олий ғояларга бўлган садоқатини намоён этди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, устоз адиб Абдулла Қодирий асарларининг боқийлигини таъминлаган жиҳатлардан бири Ватанга бўлган чексиз муҳаббат уларнинг қат-қатига сингдириб юборилганидир, деб айтишга ҳақлимиз.

Ғулом КАРИМ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

● СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ ОЛДИДАН

Элимиз, аждодларимиз—буюк

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Марказий музейида буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 668 йиллигига бағишлаб «Амир Темур — буюк саркарда ва давлат арбоби» мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Авлодлар учрашуви тарзида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Амир Темур» жамғармаси раиси Муҳаммад Али, Амир Темур халқаро экспедицияси аъзоси, ёзувчи ва шоир Тўлкин Ҳайит, темуршунос олим Фахриддин Ашрафхўжаев, республика «Экосан» халқаро жамғармасининг фахрийлар уюшмаси раиси Мадаминжон Ҳасанов ва бошқалар қатнашдилар.

Тадбирни Мудофаа вазирлигининг Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи подполковник Ислом Иноятов кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Учрашувда Муҳаммад Алининг «Амир Темур — буюк давлат арбоби», Тўлқин Ҳайитнинг «Амир Темур — жаҳон нигоҳида», Фахриддин Ашрафхўжаевнинг «Амир Темур ва ёшлар» мавзуидаги маърузалари тингланди.



Буюк бобокалонимиз номи билан аталувчи жамғарма раиси қатнашчилар — Тошкент гарнизони ҳарбий қисм ва муассасалари ҳарбий хизматчилари, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультети курсантлари, пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 3-сонли касб-ҳунар коллежи талабалари олдида қизиқарли маълумотларга бой чиқиш қилар экан, жамғарманинг бугунги фаолияти, шунингдек, режалаштирилган ишлар ҳақида ҳам айтиб ўтди. Дейлик, Соҳибқирон таваллуднинг 670 йиллигига бағишлаб ўша давр аёллари — маликалар сурати тасвирланган махсус тақвим чиқариш шулар жумласидандир.

Маълумки, тарихда ўтган машҳур инсонлар ҳаёти ва ижоди, фаолияти билан боғлиқ турли ривоятлар мавжуд. Табиийки, халқимиз орасида Амир Темур ҳақида ҳам ривоятлар кам эмас. Темуршунос олим Фахриддин Ашрафхўжаев ўз тадқиқотлари давомида юқоридаги каби далилларни йиғишга айниқса катта эътибор қаратишини таъкидлаб ўтди.

Учрашув сўнгида ушбу музей илмий ходими Дилором Раҳимова йиғилганларни «Темурийлар давридаги ҳарбий санъат» зали экспозициялари билан яқиндан таништирди.

Тадбир давомида республикада хизмат кўрсатган Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари — шартнома бўйича хизмат сержанти Дадахон Ғаниев, кичик сержант Шерзод Имомбердиев ҳамда оддий аскар Анвар Қўчқоровлар томонидан дилрабо куй ва қўшиқлар ижро этилгани барчани хушнуд этиб, кечанинг янада файзли ўтишига хизмат қилди.

Дарҳақиқат, биз Амир Темур сингари буюк шахслар авлодимиз. Шундай экан, ҳар қандай шароитда ҳам бундай номга муносиб ворис, аждодларимиз ҳақида, уларнинг маънавий меъроси-ю, берган ҳаётий сабоқларидан албатта хабардор бўлишлик — бурчимиздир.

Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

● БАҲОРГИ ЧАҚИРУВ—2004

Сараларга насиб этар ҳарбийлик

Яқинда Бухоро гарнизонида хизмат сафарида бўлганимизда баҳорги чақирув ишлари қандай олиб борилаётгани билан қизиқиб, вилоят мудофаа ишлар бошқармаси бошлиғи полковник Т. Ахмеджанов билан суҳбатлашдик.

— Ўрток полковник, маълумки Вазирлар Маҳкамасининг баҳорги чақирувга оид қарори ва унинг асосида чиқарилган Мудофаа вазирининг буйруғи мудофаа ишлари бошқармаларига ҳам жуда кўп вазифалар юклайди. Сиз раҳбарлик қилаётган бошқарма ана шу вазифаларни бажариш борасида қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Қуролли Кучларнинг сафи сифатли бутланишини таъминлаш мақсадида бошқармамиз давлат ва жамоат органлари жумладан, «Нуроний», «Маҳалла», хотин-қизлар қўмитаси ва «Камолот» ёшлар иттимоий ҳаракатининг вилоят бўлимлари билан биргаликда жойларда чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил этганмиз.

Бундан ташқари соғлиқни сақлаш органлари билан ҳамкорликда туман мудофаа ишлари бўлимларида ва вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида чақирилувчиларни тиббий текширишнинг ҳолислиги, шу жумладан муқобил тиббий комиссияларнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида, замонавий тиббий асбоб-ускуналар ўрнатиб, малакали ходимларни жалб қилганмиз.

Вилоят ҳокими С. Ҳусенов ташаббуси билан вилоят мудофаа ишлари бошқармаси баҳорги чақирув комиссиясининг қандай иш олиб бораётганини кўрсатиш мақсадида 3 кунлик семинар ташкил қилдик. Семинарга туман мудофаа ишлар бўлими бошлиқлари, давлат ва жамоат ташкилотидан вакиллар, ҳарбий қисм командирлари ва ота-оналарни таклиф қилдик. Йиғилганларга бу ерда олиб борилаётган ишлар ҳусусида тушунча бериб, машғулот ўтказдик. Семинарни округ қўмондони генерал-майор Алишер Собиров олиб борди.

— Вилоятда Қуролли Кучлар сафидан резервга бўшаётган йигитларни кутиб олиш, чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиб қўйиш тадбирлари қандай йўлга қўйилган?

— Қуролли Кучлар сафидан резервга бўшаётган йигитларни кутиб олиш ва чақирилувчиларни хизматга кузатиб қўйиш тадбирларига жиддий тайёргарлик кўрмоқдамиз. Бунинг учун давлат ва жамоат ташкилотларининг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда, ота-оналарни таклиф қилиб, концерт дастурлари ташкил қилишни режалаштирмоқдамиз. Юртимиз ўғлонларини қандай хурсандчилик, катта тантана билан кузатиб қўйган бўлсак, худди шу кайфиятда кутиб олиш ниятидамиз. Оммавий ахборот воситалари ходимларини таклиф қилиб, улар орқали вилоят аҳлига Ватан ҳарбий хизматни ўтаган ўғлонларини қанчалик иззат-ҳурмат қилишини кўрсатиб бермоқчимиз.

— Хизмат қиламан деган талабгорлар кўп, бироқ ҳаммага ҳам ҳарбий либос кийиш насиб этмайди. Шу сабабли чақирилувчилар, уларнинг ота-оналари орасида баъзи тушунмовчиликлар, чақирув ёки тиббий комиссия ишидан норозиликлар пайдо бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолатда улар қандай йўл тутишлари керак?

— Жуда ўринли савол бердингиз. Аввалари кўп кузатганман, чақирилувчилар хизматдан қолиш мақсадида ўзлари соғлом бўлсаларда, ёлғондан турли касалликлар безовта қилаётганлигини таъкидлардилар. Энди бўлса вазият бошқача. Ҳар бир чақирилувчи мудофаа ишлар бўлимига келар экан, мен хизматга албатта боришим керак, деб туриб олишади. Агар бирон жойда шикояти борлигини ўзи билса-да, уни яширишга уриниб, комиссия аъзоларини алдашга ҳаракат қилган ҳоллари ҳам кўп бўлган. Бизнинг мақсадимиз Республикамиз Қуролли Кучлари сафини ҳар томонлама соғлом фуқаролар билан бутлаш. Бизда малакали тиббиёт ходимларимиз етарли. Агар чақирилувчи комиссия ишидан норози бўлиб, шикоят қилса, унинг камчилигини исбот-далиллар билан кўрсатиб беришади. Агар бу ҳолат туман мудофаа ишлар бўлимида содир бўлган бўлса, яъни фуқаро туман тиббий комиссия ҳулосасидан қониқмаса, бемалол вилоят тиббий комиссиясига мурожаат қилиши мумкин. Бизнинг ходимларимиз уларнинг шикоятларини ўрганиб, маслаҳатлар беришга доимо тайёр. Шунингдек, муқобил тиббий комиссия ҳам чақирилувчиларнинг шикоятларини ўрганиб, ёрдам бериши мумкин.

«Ватанпарвар» мухбири Комилжон ҲАСАНОВ суҳбатлашди.

● ТВОИ СЫНОВЬЯ, УЗБЕКИСТАН!

ПООЩРЕН ЗА УСЕРДИЕ В СЛУЖБЕ

Сержант Рустам Шарабидинов — опытный начальник караула и умелый воспитатель. Много лет отлично выполняет боевые задачи. Недавно командующий Караульными войсками за усердие в службе в торжественной обстановке вручил ему ценный подарок — телевизор.

Прошло пятнадцать лет с тех пор, как сержант Рустам Шарабидинов, отслужив срочную службу в одной из частей Караульных войск, сделал свой выбор в жизни и стал профессиональным военным. Ему по душе пришлась ратная профессия военного, а весь уклад армейской жизни укрепил в мысли, что его место, его долг — быть в воинском строю. Потому и лег его рапорт на стол командира с просьбой зачислить на контрактную службу, и вот он уже полтора десятка лет — штатный начальник караула в одном и том же подразделении.

Поначалу приходилось многому учиться: надо было четко знать требования уставов и других нормативных документов по организации боевой службы, уметь анализировать различные ситуации и в считанные секунды принимать единственно правильное для данного момента решение, быть для подчиненных и требовательным начальником, и заботливым воспитателем, и мудрым наставником.

Прошли годы, и сегодня сержант Р. Шарабидинов — мастер боевой службы, один из лучших начальников караулов. Он в тонкостях знает особенности выполнения задач, обязанности каждого должностного лица караула, глубоко овладел всеми «секретами» избранной воинской специальности. И, как результат, ему зачастую доверяется возглавлять караулы для выполнения наиболее ответственных служебно-боевых задач. И надо сказать, эти задачи всегда выполняются образцово.

Рустам Камалович как начальник караула требует от каждого подчиненного твердого знания уставных положений и порядка выполнения возложенных задач. Перед заступлением в караул или на пост он обязательно организует изучение и повторение военнослужащими обязанностей, тщательную подготовку их к предстоящему экзамену на служебное и воинское мастерство. Поэтому-то в караулах никогда не бывает срывов, и воины всегда готовы к любым неожиданностям на службе и действуют умело и решительно.

Твердая воинская дисциплина и организованность среди личного состава — другой существенный фактор успеха, лежащий в основе высоких результатов службы. В карауле нет места шаблону и пустому времяпрепровождению: изучение обязанностей, смена часовых, воспитательная работа, досуг и отдых идут в строгом соответствии с распорядком дня под руководством начальника караула.

Немаловажное значение имеют компетентность сержанта Р. Шарабидинова, его добросовестное отношение к воинскому долгу, дисциплинированность и принципиальность во всем. Эти его качества достойны всяческого подражания. «Сержант Шарабидинов — честный, принципиальный и исключительно добросовестный военнослужащий, — говорит о нем заместитель командира взвода по воспитательной работе старший лейтенант Ж. Шарипов. — Он предан службе и отношение к ней считает главным критерием оценки жизненной позиции каждого воина».

Служба в Караульных войсках — это по сути вся жизнь Рустама Камаловича Шарабидинова, и ему есть чем поделиться с молодыми военнослужащими. Своим учителем и добрым наставником считают его сержант Юсуф Курбанов, младшие сержанты Толибжон Джураев, Отабек Бойматов и многие другие, научившиеся у него мастерству, настойчивости в достижении поставленной цели, умению руководить и работать с людьми.

Николай ЧУРСИНОВ,
полковник в отставке.

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Афғонистонга молиявий ёрдам муҳокамаси

«Толибон» ҳукмронлигига барҳам берилган вақтдан бошлаб жаҳон ҳамжамияти диққат-эътиборини Афғонистонни тиклаш масаласига қаратди.

Германиянинг Берлин шаҳрида Афғонистонни тиклаш масаласи юзасидан донор мамлакатларнинг икки кунлик халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унда 56 давлат ва турли халқаро ташкилотлардан вакиллар иштирок этди. Анжуманда жаҳон ҳамжамияти томонидан Афғонистонни тиклаш ишларига кўрсатиладиган молиявий ёрдам масаласи муҳокама этилди.

Афғонистон ҳукумати жаҳон ҳамжамиятидан мамлакатни тиклаш борасида келгуси етти йил учун маблағ ажратишни сўраб келар эди, РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, Берлин учрашувида донор давлатлар Афғонистонга келаси йилнинг март ойига қадар 4,4 миллиард доллар, 2005—2008 йиллар давомида эса 8,2 миллиард доллар миқдорида молиявий ёрдам кўрсатишга ваъда берган.

Афғонистон раҳбари Ҳамид Карзайнинг фикрига кўра, берилажак ёрдам сиёсий жараёнларни жадаллаштириш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, энг асосийси, иқтисодиётни оёққа турғазишга сарфланади.

Айни пайтда мамлакатда ҳар тўрт одамдан бири очликдан азият чекмоқда. Кўпчилик ишсиз. Шу боис ҳам уларнинг аксарияти гиёҳванд модда тайёрлаш ва сотиш орқали кун кўради. Учрашув сўнггида гиёҳванд моддалар ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашишга қаратилган аҳдлашувга ҳам эришилди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, толибларнинг тузуми барҳам топгач, қочқинларнинг ватанига қайтиши ҳам сезиларли даражада жадаллашди. БМТнинг Қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари Рууд Люббернинг маълумотларига кўра, ўтган уч йил мобайнида тўрт миллионга яқин афғон ватанига қайтган. Унинг фикрича, бу одамларнинг ҳукуматга ишончи мустаҳкамланаётгани ва мамлакатда барқарорлик қарор топаётганидан далолатдир.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

3-мавзу. Ҳарбий операцияларни режалаштириш. Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик

(Давоми. Боши газетанинг 8, 11, 20, 23, 29-сонларида).

ж) ноқонуний депортация ёки кўчириш ёхуд озодликдан ноқонуний маҳрум қилиш;

з) кишиларни гаровга олиш;

и) уруш олиб боришнинг тақиқланган усуллари ва воситаларидан фойдаланиш;

к) қизил хоч ва қизил ярим ой ва бошқа ҳимоя тимсолларидан мунофиқлик билан фойдаланиш;

л) тинч аҳолига қарши ҳужум қилиш.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида ҳарбий жиноятлар, тинчлик ва инсониятга қарши қаратилган жиноятлар учун жисмоний шахсларнинг жазоланиши муқаррар эканлиги таъкидланади. Жиноий жавобгарликка тортиладиган шахслар икки гуруҳга ажратилади: 1-гуруҳ — ўз жиноий қилмишлари учун ҳам, уларнинг жиноятқорона буйруқларининг ижрочилари амалга оширган ҳаттиҳаракатлар учун ҳам жавобгар бўлган асосий ҳарбий жиноятчилар. Бу гуруҳга давлат арбоблари, қўмондонлар, дипломатлар, молиячилар ва бошқалар киради. 2-гуруҳ — ўз шахсий ташаббуслари билан ҳарбий жиноятларнинг бевосита иштирокчилари бўлган ёки бошқалар томонидан бу жиноятқорона ишларга аралаштирилган ва шу жиноятларнинг иштирокчилари ҳисобланган шахслар киради.

Ҳозиргача турли мамлакатлар миллий судларида нацистлар ва япон жиноятчилари устидан судлар даво этмоқда, чунки бундай жиноятлар учун даъво муддати ўтиб кетганлиги ҳақидаги қоида амал қилмайди ва улар учун жазо муқаррардир.

4-мавзу. Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқида фарқловчи тимсол ва белгилар. Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой халқаро ҳаракати

1. Қуролли тўқнашувлар ҳуқуқида кўзда тутилган фарқловчи тимсол ва белгилар. Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой тимсоли — тиббиёт ва диний ходимларни ҳимоя қилувчи тимсол.

Дала госпиталлари ва касалхоналарини алоҳида фарқловчи белгилар билан белгилаш ўз тарихига эга. Аммо XIX аср ўрталаригача турли мамлакатлар бунинг учун турли рангдаги байроқлардан фойдаланишган. Масалан, Австрияда оқ рангдаги, Францияда — қизил, Испания ва Америка Қўшма Штатларида — сариқ рангдаги байроқлар ишлатилган. Аммо уларнинг маъноси кишиларнинг барчасига маълум эмас эди, шунинг учун уларни ҳамма ҳам ҳурмат қилишавермаган. Артиллеристлар кўпинча уларни ўққа тутишган, дала госпиталлари ва уларнинг аравалари кўпинча ўт очиш нишони бўлган. Улар ярадорларни ташишга мўлжалланганги, демакки, инсонпарварлик миссиясини бажаришини билдирадиган ва ҳаммага маълум бўлган белги бўлмаган.

Бундан ташқари белгиларни ўзаро тан олиш ҳақидаги шартномаларнинг ҳам бўлмаганлиги ана шундай ҳодисаларни мувофиқлаштириш йўналишида оқсашларни вужудга келтирган. Дала госпиталига ҳужум қилиш, умуман олганда қайғули ҳодиса бўлган, аммо бу нарса уруш ҳуқуқини бузиш ҳисобланмаган.

Шунинг учун дала госпиталлари одатда фронт линиясидан анча ичкарига, душманнинг ўқи етиб бормайдиган масофаларга жойлашардилар. Аммо бу ярадор ва касаллар учун анча ноқулай эди, чунки улар нотекис йўлларда аравада қийналиб боришар, бунда яраларга инфекция тушиши эҳтимоли анча кўп бўларди.

Тиббиёт хизматлари ўзларининг ишларини бажара олмас, чунки уларнинг ресурслари сочилиб кетган эди. Масалан, 1859 йил 24 июндаги Сольферино жангидан кейин француз-сардиния армиясининг квартирмейстерларига барча ярадорларни йиғиб олиш учун олти кун керак бўлган. Ана шу вақт мобайнида ярадорларнинг чанқоқ, пашшалар ва турли азоблардан қанчалик қийналганини кўз олдингизга келтиринг-а.

Гангрена бошлангани сабабли ягона усул — қўл ёки оёқни кесишдан бошқа усул қолмаган эди. Урушдан қайтаётганлар қаторига узундан узоқ чўлоқлар колоннаси ҳам қўшилди.

А. Дюнан томонидан олға сурилган ғоя ҳам ана шу азобларга чек қўйишга қаратилганлиги билан омма орасида катта реакцияни вужудга келтирди. Унда қўйилган икки ғояни яна бир бор эслатамиз:

а) ҳар бир мамлакатда ярадорларга ёрдам кўрсатувчи комитетлар тузиш; улар доимий бўлиши ва уруш юз берган ҳолда кечикмасдан фаолият кўрсатиши керак;

б) давлатлар томонидан дала госпиталларида ва тиббиёт ходимларини доимо ҳурмат қилиш мажбуриятини акс эттирган шартномани тузиш.

Бу ғоялар шу пайтгача амалда бўлган хайрия комитетларининг ғояларидан кескин фарқ қилувчи янги ғоялар эди. Бу ғоялар баъзан икки томонлама, жанг пайтида ёки ундан кейин тузиладиган санитар ходимлар ва дала госпиталларига бетарафлик мақоми бериш ҳақидаги қисқа муддатли шартномалар ўрнига бошқача, тинчлик даврида тузиладиган, кўп томонлама, расмий ва доимо амал қилувчи шартнома тузиш зарурлиги ҳақидаги ғоя эди. Чунки уруш шароитида ва қисқа вақтда тузилган шартномаларни доимо янгилаш зарурияти бор эди.

Ана шу ғояларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ўлароқ Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси ва ҳар бир мамлакатдаги Қизил Хоч ёки Қизил Ярим Ой миллий жамиятлари (1-ғоянинг натижаси) ҳамда Женева конвенциялари (2-ғоянинг натижаси) вужудга келди.

Биринчи мавзудан бизга маълумки, 1863 йилда кейинчалик Халқаро Қизил Хоч Қўмитасига айланган илк ташкилот — «Ярадор аскарларга ёрдам кўрсатувчи Халқаро доимий қўмита» вужудга келди. 1863 йил 17 февралда ушбу ташкилотнинг мажлисида турли давлатларда ана шундай жамиятлар тузиш таклифининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу таклиф лойиҳасининг 9-моддасида жумладан шундай сўзлар бор эди: «Барча мамлакатлардаги кўнгилли-санитарлар бир хил бўлган фарқловчи кийим ёки белгига эга бўлишади. Улар дахлсиздир ва ҳарбий командирлар уларни ҳимоя билан таъминлайди».

Аммо бу таклифнинг ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамияти йўқ эди. Чунки у Женеванинг марҳаматли 5 фуқароси тузган ва ҳеч қандай ҳуқуқий кафолатларга эга бўлмаган жамоат ташкилоти томонидан айтилаётган эди.

1863 йил октябрда Женевада «Ярадор аскарларга ёрдам кўрсатувчи Халқаро доимий қўмита»нинг таклифига кўра йиғилган Халқаро конференция (бу конференция ҳам жамоатчилик конференцияси эди) ўз ишида бошқа масалалар қатори (масалан, барча давлатларда ярадор аскарларга ёрдам кўрсатиш жамиятларини — бўлажак Қизил Хоч миллий жамиятларини — тузиш ҳақида қарор қабул қилди) юқорида келтирилган таклиф лойиҳасини ҳам кўриб чиқди. Унда қабул қилинган 8-резолюцияда кўнгилли-санитарларни ажратиб турувчи белги ҳақида шундай сўзлар ёзилди: «Барча мамлакатда улар ягона фарқловчи белги сифатида қизил хоч тимсоли туширилган оқ боғич боғлашлари керак». Сўнг конференция барча мамлакатлар санитар транспорти ва армия тиббий хизматини ифодалаш учун ҳам ушбу ягона белгини қабул қилиш ҳақидаги таклиф билан чиқди. Аммо бу таклифларнинг ҳам ҳеч қандай ҳуқуқий аҳамияти йўқ эди. Чунки улар Женеванинг марҳаматли 5 фуқароси тузган жамоат ташкилотининг таклифига кўра йиғилган ва халқаро бўлса-да, барибир жамоатчилик конференциясида айтилаётган эди.

Ниҳоят, 1864 йил 8—22 августда Швейцария Конфедерацияси Давлат Кенгашининг таклифи билан чақирилган Дипломатик конференцияда «Қуруқликдаги урушлар пайтида ярадор ва бемор жангчилар қисматини енгиллаштириш ҳақида» Женева конвенцияси қабул қилинди. Ушбу конвенциянинг 7-моддаси ҳарбий-тиббий хизматлар учун ягона белги ҳақида эди:

«Госпиталлар, санитар карвонлари ва эвакопунктлар учун ягона фарқловчи байроқ қабул қилиниши керак. У билан ёнма-ён доимо миллий байроқ туриши керак.

Бетарафлик мақомига эга бўлган кишилар қўлларига боғич боғлаб олишлари мумкин, аммо бу масалани кўриб чиқиш ҳарбий маъмурлар ихтиёрида қолдирилди.

Байроқда ҳам, боғичда ҳам оқ фондаги қизил хоч акс эттирилиши керак».

Шундай қилиб ягона фарқловчи белгининг қабул қилиниши тиббий хизматлар, санитар транспорти ва кўнгилли-санитарларнинг дахлсизлигини таъминлаган асослардан бири бўлиб қолди.

Асрлар мобайнида оқ байроқ музоқаралар олиб бориш истагини ёки асирга тушишга қарор қилинганлигини билдириш тимсоли бўлиб келган. Ана шундай байроқни чин дилдан кўтарганларга қарата ўқ отиш тақиқланган. Қизил хоч белгисининг қўшилиши билан унинг аҳамияти янада ортди ва ярадорлар ҳамда уларга ёрдам берувчиларнинг барчасига ҳурмат бажо келтиришни талаб қилишга имкон берилди. Бунинг устига бу белги оддийгина бўлиб, анчагина масофадан ҳам осонгина билиб олинарди.

Нима бўлганда ҳам 1863 йил октябрь конференцияси қатнашчилари тиббий хизматни бошқалардан фарқловчи мазкур белгини қабул қилишаётганларида ушбу белгининг диний мазмуни бор эканлигига имкон қолдирувчи асосларга ўрин қолдиришмаган. Чунки Қизил Хоч асосчиларининг асосий мақсади миллий ёки диний чегараларни билмайдиган ташкилотни тузиш эди. XIX аср Европаси ўзини дунёнинг маркази деб сезарди, шунинг учун ушбу тимсолни яратувчилар Қизил Хоч Европа чегараларидан чиқиши билан унинг кимларгадир ҳуш келмаслигини билмас эдилар. Бу эса жуда тезда ўзини кўрсатди.

1876—1878 йиллардаги рус-турк урушининг бошланишидаёқ Усмонли турк империяси 1864 йил 22 августдаги Женева конвенциясига ҳеч бир эътирозларсиз қўшилганига қарамай, душманнинг қизил хоч тимсол билан белгиланган санитар карвонларини ҳурмат қилишини, аммо ўз санитар карвонларини қизил ярим ой тимсоли билан белгилашини эълон қилди. Буюк Порта Конвенцияда қабул қилинган тимсол «шу пайтгача Туркияга Конвенцияда белгиланган ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга имкон бермаганлигини, чунки у мусулмон аскарларининг иззат-нафсини ҳақорат қилишини» маълум қилди. Шундай қилиб Усмонли турк империяси қизил ярим ой белгисидан ўз тиббий хизматларини белгилаш учун фойдалана бошлади.

1906 йилги Дипломатик конференция белгининг ягона эканлиги ҳақидаги қарорга ўзгартириш киритмади ва Форс давлати ва Усмонли турк империясига кейинги конференцияга ўз таклифларини киритишни таклиф қилди. 1929 йилги Дипломатик конференция Туркия ва Миср фойдаланаётган қизил ярим ой ва Форс давлати ишлатаётган қизил шер ва қуёш белгиларини тан олди. Аммо келажакда шунга ўхшаш воқеалар юз беришининг олдини олиш учун конференцияда бундан буён бошқа янги белгилар қабул қилинмаслигини эълон қилди.

1949 йилги Дипломатия конференцияси иккинчи жаҳон урушидан кейин илгариги Женева конвенцияларини қайта кўриб чиқди ва янги IV конвенцияни қабул қилди. Бунда I Женева конвенциясининг 38-моддаси қуйидаги кўринишда қабул қилинди: «Швейцарияга ҳурмат билдириш маъносида, федерал рангларнинг ўзаро ўрин алмашиши натижасида олинган оқ рангли асосга туширилган қизил хочнинг геральдик белгиси қуролли кучлар санитар хизматларининг эмблемаси ва фарқловчи белгиси сифатида сақлаб қолинади.

Аммо, ҳозир оқ рангли асосдаги қизил хоч ўрнига қизил ярим ой ёки қизил шер ва қуёш тасвирини ишлатаётган мамлакатларга нисбатан, ушбу эмблемалар тенг асосларда мазкур Конвенция мазмунида эътироф этилади».

1929 йилги Конвенцияга эътирозларсиз қўшилган Исроил давлати 1949 йилги Женева конвенцияларини қуйидаги эслатма (изоҳ) билан ратификация қилди: «Конвенциянинг фарқловчи тимсол ва белгиларини ҳурмат қилиб, Исроил ўзининг қуролли кучлари тиббий хизматлари учун фарқловчи тимсол ва белги сифатида Давиднинг қизил қалқонини ишлатади, деб эслатади».

(Давоми бор).

УМУМАРМИЯ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ АВЖИДА

Маълумки, умумармия спорт ўйинларининг якуний босқичи 18—27 июль кунлари Тошкент ва Чирчиқда бўлиб ўтади. Ҳозирда қисм ва бўлинмаларда умумармия ўйинларининг илк қуйи босқичи ниҳоясига етди. Олий ҳарбий билим юртларида ҳам ички беллашувлар қизғин давом эттирилмоқда. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидламоқ жоиз. Мазкур ўйинлар аввало ҳарбийларимиз, Қуролли Кучларимиз хизматчилари орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган. Қолаверса, ҳарбийлар орасидан республикамиз, жаҳон спорти ривожига улуш қўшадиган маҳоратли мутахассисларни тайёрлаш устувор бир вазифадир. Балким баъзи отаоналар ҳарбийларнинг спорт ҳаётидан тўла хабардор эмасдир. Эрталабки бадантарбия-ю, онда-сонда футбол, волейбол мусобақалари ўтказилиб турилар, деб ўйлашар. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, замонавий талабларга жавоб берадиган спорт иншоотлари, турли жиҳозлар, спорт шаҳарчалари бор. Буларни санайверсак, сизни зериктириб қўйишимиз мумкин. Энг муҳими, ана шундай қулайликлардан фарзандларингиз — посбон ўғлонларингиз беминнат фойдаланиб, чиниқишмоқда. Ахир, жанговар шайликни таъминловчи муҳим мезонлардан бири жисмоний тайёргарликда. Ҳатто ҳарбий гувоҳномасига муддатли хизмати давомида олган спорт разряди ҳақидаги қайдлари бўлган аскарларни биламан. Улардаги спортга қизиқишни армия янада алангалатиб, катта ҳаёт остонасида йўлини топишларига ёрдам бераётир. Хуллас, мулоҳаза юритаверсак гап кўп. Мақсадимиз айни пайтда авжига чиққан умумармия ўйинларининг иккинчи босқичини Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти мисолида таҳлил этиш.

ОФИЦЕРЛАР КУРСАНТЛАРГА НАМУНА

Билим юртининг жисмоний тарбия кафедраси бошлиғи подполковник Руслан Багиров саъй-ҳаракати билан спортнинг умумармия ўйинларида кўрсатиб ўтилган бир неча тури бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Гапни офицерлар учкурашидан бошлай қолайлик. Маълумки, бунда пистолетдан нишонга отиш, 100 метрга сузиш, ёшга хос тоифага қараб 1, 2, 3 километр масофага югурилади. Ёш бўйича биринчи гуруҳда, яъни 30 ёшгача бўлган офицерлар орасида гуруҳ командири лейтенант Қаҳҳор Умировга тенг келадигани топилмади. 35 ёшгача бўлган офицерлар орасида, яъни ёш бўйича иккинчи гуруҳда улоқ жисмоний тарбия кафедраси ўқитувчиси капитан Жаҳонгир Шокировда кетди. Учинчи гуруҳда ҳам жисмоний тарбия кафедраси катта ўқитувчиси подполковник Ҳусан Авазматов рақибларига имконият қолдирмади. Эътибор берган бўлсангиз, жисмоний тарбия кафедраси вакиллари тайёргарлиги юксак даражада эканлигини исботлашди. Улар бевосита шу кафедрада хизмат қилаётгани учун эмас, спортга, жисмоний тайёргарликка мунтазам эътибор қаратиб келишаётгани боис ютуқларга эришдилар.

Маълумки, умумармия ўйинлари спортнинг ҳарбий-амалий ва олимпиада турлари бўйича ўтказилади. Таъкидлаётганимиз боиси, спортнинг ҳарбий-амалий турлари она юрт посбонларининг бевосита жанговар шайлигига ижобий таъсир этади. Масалан, штатдаги қуролдан нишонга отиш мусобақаларини олайлик. Бу ҳарбийларни ўт очиш тайёргарлиги бўйича ҳам ўзига хос синовдан ўтказади. Ўқ отиш спорти бўйича икки нафар армиячи спортчимизнинг Афинага — олимпиада ўйинларига йўлланма олиши ҳам бежиз эмас. Йилдан-йилга Қуролли Кучларимизда ўтказилаётган мусобақалар жаҳон майдонида юртимиз шаънини ҳимоя қиладиган, доврўғини ёядиган спортчиларни кашф этишда муҳим омил бўлаяпти. Мусобақага қайтадиган бўлсак, билим юртида штатдаги қуролдан нишонга отиш бўйича офицерлар орасида подполковник Руслан Синча, майор Маҳмуд Эшов, капитан Умид Зиёддиновга тенг келадиган топилмади. Биринчи ўринларни эгаллаган бу учлик финал босқичида ҳам билим юрти шаънини муносиб ҳимоя қилишига ишонамиз. Гарчи спортнинг ушбу тури бўйича иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса-да, умидли ёш офицер сифатида лейтенант Илҳом Деҳқоновнинг фикрларини қисқача ёзиб олдик.

— 1996 йилдан шартнома бўйича хизмат қилиб, Ватан ҳимояси йўлида озми-кўпми улушимни қўшиб келаяпман. Очиғини айтсам, махсус бўлинмада хизмат қилганимда бундай мусобақаларга доим ҳам қатнашавермасдим. Хизмат тақозоси билан албатта. Мана, 2003 йилдан бошлаб Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртидаман. Айнан ўтган йили лейтенант унвонини ҳам олганман. Умумармия ўйинларида энди мунтазам қатнашаман. Жиддий тайёргарлик кўраман. Илк ўринишимда иккинчи ўринни олдим, янги сафар янги марраларни эгаллайман.







ЙИГИТАЛИ ПОЛВОН ВА ШОГИРДЛАРИ

Миллий курашга билим юртидаги эътибор ўзига хос. Тажрибали, ёш мураббий шартнома бўйича хизмат сержанти, спорт устаси Йигитали Тўлаев хусусида шу ўринда тўхтамасдан бўлмайди. Йигитали Қашқадарёнинг Қамаши туманидаги Гулистон қишлоғидан. Муддатли ҳарбий хизматгача туманда спортга ихтисослашган 67-лицейни тугатиб, шу даргоҳда миллий кураш бўйича мураббийлик қилди. Ал-ҳаким Ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган миллий кураш бўйича халқаро мусобақада энг ёш спортчи сифатида гиламга чиқиб, 60 килограмм вазн тоифасида учинчи ўринни қўлга киритган. 1997 йилда эса Чирчиқда Учқун Муродов хотирасига бағишлаб ўтказилган дзюдо бўйича халқаро мусобақада ўз вазни тоифасида ғолиб бўлди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирилишидан бир йилча олдин, аниқроғи, 1998 йилда спорт устаси деган номга сазовор бўлганини таъкидлаш жоиз. Аскарлик даврида ҳам шуғулланиб, мусобақаларга қатнашиб юрди. Бироқ хизматни шартнома бўйича давом эттирганда кўплаб ютуқларга эришди, у. Дейлик, билим юртига келган 2002 йил мисолида оладиган бўлсак, ўша йили мазкур ҳарбий ўқув маскани жамоаси миллий кураш бўйича умумармия ўйинлари ғолиби бўлди. Бунда Йигиталининг ҳам хизматлари беқиёс, албатта. Ўтган йили эса Самарқандда бўлиб ўтган якуний босқичда миллий кураш бўйича билим юрти умумжамоа ҳисобида шарафли иккинчи ўринни эгаллади. Яна бир жиҳатга эътибор қаратинг. Шартнома бўйича хизмат сержанти ҳам мураббий, ҳам иштирокчи сифатида умумармия ўйинларида қатнашиб келаяпти. Жорий йилги, яъни айни пайтдаги кўрсаткичлар ёмон эмас. Йигитали бошчилигида Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг полвонлари сараланиб бўлди. Унинг ўзи 66 килограмм вазн тоифасида ғолиб бўлиб, якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Қолганини ўзидан эшитиб қўя қолайлик:

— Билим юртимизда миллий кураш билан шуғулланишга шароитлар зўр. Қизиқувчилар сони ҳам кўп. Курсантларимиз орасида бир талай иқтидорли полвонлар бор. Уларнинг кўпчилиги армия ҳаётига қадар давраларда кураш тушиб, рақиблари қурагини ерга теккизганлардан. Яқинда билим юрти курсантлари орасида бўлиб ўтган мусобақада 60 килограмм вазн тоифасида 4-курс курсанти сержант Яҳё Жабборов биринчи ўринни қўлга киритди. Таъкидлаш жоизки, у 2003 йилдаги умумармия ўйинлари якуний босқичида чемпион бўлиб, спорт усталигига номзод бўлган. Демоқчиманки, бу йил ҳам тайёргарлиги юксак даражада. 73 килограмм вазн тоифасида эса курсант, кичик сержант спорт усталигига номзод Зафар Неъматов билим юртимиз чемпиони бўлди. 2003 йилги якуний босқичда у иккинчи ўринни қўлга киритди. 80 килограмм вазнда 3-курс курсанти Дилшод Тўлаганов биринчи ўринни эгаллаб, умумармия ўйинларининг якуний босқичига йўлланма олди. 90 килограмм вазн тоифасида спорт усталигига номзод Улуғбек Ҳақбердиев билим юртида биринчи ўринни олди. Санаб ўтилган курашчиларимизнинг якуний босқичдаги натижалари яхши.

Мана, шартнома бўйича хизмат сержанти мисолида ҳаёт мактаби бўлган армиянинг йигитларимизни жисмоний жиҳатдан янада тоблашига, спорт соҳасида ютуқларга элтишига амин бўлдик.

ЕШ ЛЕЙТЕНАНТ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Қўшинларда ўтказилиб келинаётган ҳарбий-спорт комплексига кирувчи кўпкураш анъанавий тус олаётганининг сабаби бор. Негаки, ҳарбийларимиз кўпкурашнинг машқлари билан тез-тез шуғулланиб туришади. Турникда машқлар бажариш, 100 метрга югуриш, тўсиқлар оша чопиш, 1 километрлик ва 5 километрлик кросс ҳарбий спорт комплексига кирувчи кўпкурашни ташкил этишини биламиз. Бу машқларни ҳатто жисмоний тайёргарликдан синовлар қабул қилинганида ҳам одатда бажариши талаб этилади. Қолаверса, кундалик жанговар фаолият давомида кўпкураш билан шуғулланиб туришга ҳамма жойда имкон етарли. Шу боис ҳам пойтахтдаги олий ҳарбий билим юртида бу борада беллашув ўта қизғин тус олди. Ёш бўйича биринчи гуруҳда лейтенант Туйғун Тожиев, иккинчи гуруҳда катта лейтенант Игорь Бобомуродов, учинчи гуруҳда эса майор Насрулло Икромовлар ғолиб деб топилишди. Шу ўринда лейтенант Туйғун Тожиев хусусида бироз тўхталиб ўтсак. Туйғун Бухоронинг Шофиркон туманидан. 2002 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тугаллаб, қадрдон ўқув масканида офицер сифатида хизматини давом эттирди. Шуни таъкидлашни истардимки, йигит курсантлик пайтидаёқ, аниқроғи 2001 йилда умумармия ўйинларининг якуний босқичида ёши бўйича гуруҳда чемпион ва спорт усталигига номзод бўлди. 2002 йилда Белгияда ҳарбийлар ўртасида кўпкураш бўйича Европа чемпионатида ва Голландияда жаҳон чемпионатида терма жамоамиз сафида иштирок этган Туйғун қониқарли натижалар билан юртга қайтди. 2003 йилда эса Испаниянинг Толедо шаҳрида спортнинг ҳарбий-амалий тури бўйича ўтказилган ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ёш лейтенант терма жамоамиз сафида юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Гарчи совринли ўринлар насиб этмаган бўлсада, юқори натижаларни қайд этди. Шуни қўшимча қилиш лозимки, лейтенант кўпкурашнинг тўсиқлар оша югуриш машқини кўпроқ қойилмақом қилиб бажаради.

— Офицер доимо жисмонан чиниққан, етук бўлмоғи керак. Мен ана шу тамойилга доимо амал қиламан. Олдимга халқаро мусобақалардан, ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатларидан медаллар шодаси билан қайтишдек мақсад қўйганман, — дейди у.

ЧАҚҚОНЛАР ВА КУЧЛИЛАР

Кросс енгил атлетиканинг муҳим спорт турларидан бири. Бунда муваффақиятли иштирок этиш учун спортчи анча чиниққан бўлмоғи лозим. 2-курс курсанти Шавкат Норбоев жиддий тайёргарлиги боис 12 километрлик кроссда рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. 8 километрга югуриш баҳсларида 1-курс курсанти Азиз Қосимов билим юрти чемпиони бўлди. Унинг курсдоши курсант Нодир Комилов эса 5 километрлик кроссда бор маҳоратини намойиш этиб, маррага биринчи бўлиб келди.

Тош кўтариш баҳсида 60 килограмм вазн тоифасида баҳслашган спорт усталигига номзод Ҳасан Ҳайдаров ғолиб бўлди. Мушаклари тобланган, билаклари кучга тўлган бу курсант суҳбат давомида қисқача шундай деди:

— Болаликдан атлетик гимнастика билан шуғулланиб келаман. Билим юртига келиб эса мураббийлар раҳбарлигида бу борада жиддий тайёрландим. Шароитлар жуда яхши. Гиря, гантел кўтариш, эспандер тортиш машқларини режада белгиланганидек бажариб келаяпман. Оғир атлетиканинг шу тури бўйича спорт усталигига номзодликни ҳарбий билим юртига ўқишга киргач, олдим. Демоқчиманки, армия менинг спортга бўлган ҳавасимни янада ошириб бормоқда.

Шунингдек, тош кўтариш баҳсида 80 килограмм вазн тоифасида спорт усталигига номзод курсант Ўткир Музаффаров билим юрти чемпиони бўлди. 90 килограмм вазн тоифасида эса спорт усталигига номзод курсант Ойбек Имомовнинг олдига тушадиган топилмади. 100 килограмм ва ундан юқори бўлган вазн тоифасида спорт устаси катта лейтенант Равшан Абдиевга тенг келадиган топилмади.

Пировардида юнон-рум кураши бўйича спорт устаси, билим юрти жисмоний тайёргарлик кафедраси ўқитувчиси капитан Жаҳонгир Шокиров ҳақида бироз ҳикоя қилишни лозим топдик. Жаҳонгир армиягача спорт устаси бўлган. Бунга сабаб, спорт ўқитувчиси энг яқин устози бўлган дадаси — Абдужамол акадир. 1997 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртини тугаллаб, офицер сифатида Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилди. Муҳими шундаки, билим юртидаги ўқиши давомида, яъни 1994—1997 йилларда учкураш бўйича умумармия ўйинлари якуний босқичи ғолиби бўлиб келган. 2002 йилнинг мартидан эътиборан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида қўл жангги ва офицерлар учкураши бўйича мураббийлик қилаяпти. 2 ёшли ўғли Ҳожиакбар ҳам ҳозирданоқ курашга мойиллигини сездирмоқда.

— Офицерлар учкураши бўйича умумармия ўйинларидаги натижаларимиз ёмон эмас. Айни пайтда мазкур ўйинларнинг жорий йилги якуний босқичига жиддий ҳозирлик кўраяпмиз. Имкониятларимиз ёмон эмас, — дейди, жумладан капитан.

Мақола давомида гувоҳи бўлганингиздек, умумармия ўйинлари — ҳарбийларимизнинг ўзига хос спорт байрамининг қуйи босқичлари юксак савияда ўтказилмоқда. Бу эса ҳарбийларимизни янада тобланишида, янги-янги спортчиларни кашф этишда жуда муҳим.

Капитан Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Суратларда: **1. Сержант И. Тўлаев миллий кураш усулларини ўргатаяпти. 2. Подполковник Р. Синча штатдаги қуролидан нишонга отмоқда. 3. Лейтенант Т. Тожиев кўпкураш машқларида. 4. Курсант О. Имомов тош кўтариш баҳсида. 5. Капитан Ж. Шокиров ва лейтенант Қ. Умиров офицерлар учкурашида.**

Александр МРУЧАК суратга олган.

● ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

СИЛ БЕДАВО КАСАЛЛИК ЭМАС

Сил яъни туберкулёз, оғир юқумли касаллик бўлиб, у ҳақидаги фан фтизиатрия дейилади. Ушбу касаллик қадим замонлардан маълум, лекин, унинг келиб чиқиш ва ривожланиш сабабларини 1882 йилда немис олими Роберт Кох кашф этган эди. Шу даврдан бошлаб касаллик илмий асосда ўрганила бошланган ва унга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (БССТ) маълумотларига кўра:

— ҳар 4 сонияда ер юзида 1 киши сил касаллигига чалинади;

— ҳар 10 сонияда сил касаллиги оқибатида 1 киши ҳаётдан кўз юмади;

— ҳозирги кунда жаҳонда, сил касаллигининг очиқ тури билан 20 млн. киши рўйхатда туради;

— эҳтиёт чоралари кўрилмаса, ҳар бир бемор бир йилда яна 10-15 кишига касалликни юқтириши мумкин;

— бемор аксирганда ёки йўталганда касаллик қўзғатувчилари унинг балғам томчилари билан 10-15 метргача тарқалиши мумкин;

— иммун танқислиги вирусини (ВИЧ) юқтирган одамлар сони ўсиб бораётган мамлакатларда, сил билан касалланиш даражаси ҳам ортиб бормоқда.

Сил қўзғатувчилари — микобактериялар ташқи муҳитга жуда чидамли бўлади, улар қаттиқ совуқда ҳам ўлмайди, офтоб тегмай қуриган балғамда 3-6 ойгача сақланади, 100 даражада қиздирилганда 45 дақиқадан кейин ўлади, кўча чангида 2 ҳафтагача, сутда 200 кунгача, зах ертўлада эса 6 ойгача сақланиши илмий исботланган.

Касаллик микобактериялари дезинфекцияловчи воситалар таъсирига ҳам чидамли бўлади. Масалан, 5 фоизли хлорамин эритмаси сил қўзғатувчиларини 2 соатдан кейин ўлдиради. Сил инфекцияси тарқалишида, бацилла ташувчи беморнинг балғами катта роль ўйнайди. Мисол учун, силнинг очиқ тури билан оғриган бемор, бир суткада балғам билан 15-20 миллион микобактерия ажратади.



Ушбу микобактерияларнинг ҳаводаги, кийимдаги ва буюмлардаги чангларда мавжуд бўлиши кўпгина мисоллардан маълум. Масалан, ўпка сили билан оғриган бемор вафотидан 1,5 ой кейин ҳам унинг уйидан сил таёқчалари топилган. Силнинг очиқ тури билан оғриган бемор яшаб турган уй чангидан эса касаллик таёқчалари 30 фоиз ҳолатда топилган.

Сил касаллиги инсон организмининг барча аъзоларига зарар етказиши мумкин, лекин асосан ўпка дардга чалинади. Ўпка сили билан оғриган беморлар барча сил касалликларининг 80 фоизини ташкил қилади.

Касаллик, одам сезмагани ҳолда зимдан бошланади, аксари гриппга ўхшаб кетади. Касаллик бошланган пайтларда беморнинг мадори қурийди, йўталади, тана ҳарорати кўтарилади, озиб кетади. Маълумки, кўпгина касалликларда ҳам шундай бўлади, шу боисдан ҳам бемор ўпка сили билан оғриб қолганини хаёлига ҳам келтирмай, аҳволининг ёмонлашганини бошқа нарсадан кўради.

Силнинг асосий белгилари — уч-тўрт ҳафта ва ундан кўп вақт давом этувчи йўтал, сабабсиз озиб кетиш, бўшашиш, тана ҳароратининг вақти-вақти билан кўтарилиб туриши, кўп терлаш, кўкракда оғриқ пайдо бўлиши, иштаҳа йўқолиши ҳамда қон туфлаш ҳолатлари кузатилганда, тезда шифокорга мурожаат қилиш керак.

Кўкрак қафасини флюорография текшируви ҳам ўпка силини барвақт аниқлашга ёрдам беради. Ҳарбий қисм ва муассасаларда ҳарбий хизматчиларни ёппасига ҳар йилда икки маротаба флюорография текширувидан ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Бинобарин, режали диспансеризациядан ўтмайдиган ҳарбий хизматчи ўз соғлигига жабр қилиши мумкин, чунки барвақт аниқланмаслиги натижасида ўпка сили зўрайиб, ўпка тўқимаси чиришига олиб келади ва касалликни даволаш жуда қийин кечади.

Аҳоли саломатлигини сақлаш ва силга қарши курашиш ишларини тубдан яхшилаш мақсадида 2001 йилда Ўзбекистонда «Аҳолини сил касаллигидан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун кучга киритилди. Ушбу қонун асосида жойларда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирги пайтда замонавий муолажа воситалари ёрдамида ўпка сили билан оғриган беморларни даволаш яхши самаралар бермоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, касалликка қарши курашишда организмнинг куч-қуввати ҳам катта роль ўйнайди. Шунинг учун инсон вақтида ишлаб, вақтида дам олиши, мусаффо ҳавода кўпроқ бўлиши, организмни чиниқтириши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши, тўғри овқатланиши лозим.

Чекиш — жуда зарарли одат. Тамаки тутуни таркибидаги никотин моддаси жуда кучли заҳарлар қаторига киради. У, нерв системасига, юракка ва ўпкага зарар етказиб, организмни ҳолдан тойдиради, шунинг учун ҳам ўпка сили, тамаки чекадиган одамларда кўпроқ учрайди.

Спорт билан шуғулланган инсон бақувват ва чидамли бўлади. Қўлларни совунлаб ювиб турилиши, тишларни эрталаб ва кечқурун тозалаш ҳам касалликнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Сил бедаво касаллик эмас! Касаллик эрта аниқланиб, муолажалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилган тақдирда, 95 фоиз беморларнинг батамом тузалиши илмий асосда кафолатланган.

Тиббий хизмат майори Б. АҲМЕДОВ,
Мудофаа вазирлиги Санитария-эпидемнология назорат маркази бўлинмаси бошлиғи.

Открытие памятника Навои в Токио

На территории одного из ведущих вузов Японии — университета Сока состоялась церемония открытия памятника узбекскому поэту и мыслителю Алишеру Навои.

На торжественной церемонии открытия посол Узбекистана в Японии М. Очилов зачитал приветственное письмо Президента Республики Узбекистан И. А. Каримова участникам мероприятия. В письме главы нашего государства отмечается, что памятник Алишеру Навои, переданный правительством Узбекистана в дар университету Сока, является символом восстановления культурного диалога между нашими народами, исторически связанными Великим Шелковым путем.

В письме также выражается искренняя благодарность президенту организации «Сока Гаккай Интернэйшнл» Д. Икеда — инициатору увековечения памяти великого узбекского поэта А. Навои на японской земле.

Выступившие на церемонии открытия ректор университета Сока М. Вакае, народный поэт Узбекистана Э. Вахидов отмечали, что, будучи государственным деятелем, Навои покровительствовал образованию и просвещению народа, лично руководил строительством школ и медресе.

— Узбекский народ дал миру много великих ученых и мыслителей. Но Навои среди них занимает особое место, тем более для меня,— говорит заместитель председателя ассоциации дружбы «Япония — Узбекистан» Т. Шираки. — После второй мировой войны я участвовал в строительстве в центре Ташкента здания театра оперы и балета, который носит имя Навои. Никогда не забуду доброты и милосердия, проявленных к нам, военнопленным, простыми узбекскими людьми.

Ректор университета Сока М. Вакае в интервью корреспонденту агентства «Жахон», в частности, отметил:

— Для нас является большой честью, что Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов носит звание почетного доктора университета Сока. Благодаря его вниманию и непосредственному содействию сегодня у нас открылся памятник Алишеру Навои. Это событие историческое для наших народов.

Памятник создан народным художником Узбекистана Равшаном Миртаджиевым. Заметим, что он и автор памятника Навои, открытого в позапрошлом году в Москве.

На постаменте памятника выбиты на английском и японском языках всемирно известные строки великого поэта:

Поймите, люди всей земли,
Война — плохое дело,
Живите в мире меж собой,
Нет лучшего удела!

Непосредственное содействие в установке памятника А. Навои университету Сока оказали посольство Узбекистана и Академия художеств республики.

Берунн АЛИМОВ,
ИА «Жахон».
Токио.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 1. Араб мамлакатларида қўлланиладиган маъмурий ҳудуд номи. 3. Томонлари очиқ маҳаллий усулдаги бино, сарой. 5. «Абадият қонуни» романи муаллифи, грузин адиби. 7. Хиванинг XIX аср бошларига мансуб меъморлик обидаси. 15. Полга қопланадиган, сув ўтказмайдиган материал. 18. АҚШ шимолидаги штат. 24. Озиқ-овқат учун ишлатиладиган ҳосил экини. 26. Далиллар асосида ҳали исбот қилинмаган, тўғрилиги эҳтимолга яқин фараз. 28. Нота ёзуви сатридаги калит. 30. «Мулк ёки даромадни диний муассаса ихтиёрига ўтказиш тўғрисидаги ҳужжат.

ЭНИГА: 2. Гап бўлаги ёки икки содда гапни боғловчи. 4. Мусиқа асбоби. 6. Милтиқ қисми. 13. Дунё қитъаларидан бири. 16. Араб алифбосидаги ҳарф. 17. Бильярд ўйини анжоми. 20. Сув кўтарадиган гуруч нави. 25. Ип газлама. 27. Вазн ўлчови бирлиги. 29. Кичик Осиёнинг ўрта шарқдаги кўҳна номи.

БУЙИГА: 8. Шоҳмот донаси. 9. Ном. 10. Қадимий шарқ давлати пойтахтидаги сарой. 11. Миллий ном тури. 12. Расмий илтимоснома. 13. Жанубий Америкانинг ғарби ва шимолига чўзилган тор тизмаси. 14. Катта фарзанд. 19. Пилла тортганда чиқадиган тола. 21. Либос қисми. 22. Инкор. 23. Маҳсулотнинг сифатига кўра тури.

Фозилжон ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 37-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 3. Уюрма. 7. Гриф. 9. Гоби. 12. Самбо.

БУЙИГА: 1. Урал. 5. Терим. 6. Рибли. 10. Рамз.

БЕЛГИЛАНГАН ХОНАДАН РАҚАМ АТРОФИГА СОАТ МИЛИ ЙЎНАЛИШИДА: 2. Акустика. 4. Империал. 8. Логарифм. 11. Мусаниф. 13. Индуктор.

ШАКЛ АТРОФИ БУЙИЧА: 14. Код. 15. Дўл. 16. Луб. 17. Бек. 18. Кўк. 19. Кит. 20. Туз. 21. Зич. 22. Чўт. 23. Ток. 24. Кох. 25. Хор. 26. Рум. 27. Мум. 28. Мих. 29. Хек. 30. Кун. 31. Нун. 32. Нон. 33. Нок.

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУКАРИМОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
700031, Тошкент шаҳри,
Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Газета сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Бош муҳаррир ўринбосари — 56-17-98; масъул котиб — 56-04-60; ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими — 56-02-51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими — 56-02-49; оммавий ишлар ва спорт бўлими — 56-03-72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими — 56-03-48; соцнология ва реклама бўлими — 56-54-76.

Нашриёт ва босмахона бошлиғи—56-04-90; ҳисоб-китоб бўлими—56-03-82; обуна бўлими—56-03-46; буюртмалар бўлими—56-18-44; навбатчи—56-09-81.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 0115.